

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 25 ФЕВРАЛЬ КУНИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ГАЛДАГИ МУҲИМ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИГИЛИШ ЎТКАЗДИ.



# НУҚУҚ

1997-йил 27-avgustdan chiqqan boshlagan www.huquq.uz

2020-Ҳ. 27-ФЕВРАЛ, №8 (1205)

ҲОСИЛДОР ЕРЛАРНИ ИШДАН ЧИҚАРГАН ШАХСЛАРДАН 636 МЛН. СЎМДАН ОРТИҚ ЗАРАР УНДИРИЛДИ.

**5-БЕТ**

МЕТРОПОЛИТЕН ХОДИМИ ФИРИБГАР БЎЛИБ ЧИҚДИ.

**8-БЕТ**

ҚОРАМОЛ СЎРАБ КЕЛГАН ҚАССОБНИНГ НИЯТИ ҚОРА ЭКАН.

**9-БЕТ**

КЎРСАТИЛГАН КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР УЧУН 1 ТРЛН. 349 МЛРД. СЎМДАН ОРТИҚ МИҚДОРИДА МАБЛАҒ УНДИРДИ.

**10-БЕТ**

BOSH PROKURATURADA



## ЖИНОЯТЧИЛИККА ЭМАС, БАЛКИ УНИНГ САБАБИГА ҚАРШИ КУРАШИШ МУҲИМ

22 февраль куни Бош прокуратурада Жиноятчиликка қарши кураш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Видеоселектор тарзида ўтказилган йиғилишда мамлакатда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш, бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоат ташкilotларининг ҳамкорлигига доир масалалар муҳокама қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси масъул ходимлари, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси вакиллари, Олий суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек соҳага алоқадор вазирлик ва идораларнинг раҳбар ҳамда

масъул ходимлари иштирок этишди.

Жойлардан Қорақалпоғистон Вазирлар кенгаши раиси, Тошкент шаҳри, вилоятлар, туман ва шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, прокурорлар, ички ишлар органлари бошлиқлари, соҳага алоқадор ва-

зирлик ва идораларнинг ҳудудий тузилмалари раҳбарлари қатнашди.

Кенгаш йиғилишида Бош прокурор Нигматилла Йўлдошев кун тартибидagi масала юзасидан маъруза қилди.

Давоми 2-бетда

... ҲУҚУҚ-ТАРТИВОТ ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ҚАЛБАКИ БАЁНОМАНИ КИМ ЁЗГАНИНИ БИЛОЛМАЙ ХУНОБ. ЭКСПЕРТИЗА ҲОЛАТГА ОЙДИНЛИК КИРИТДИ.

**6-БЕТ**



Бир чорраҳага светофор ўрнатишга ярим йил камлик қиладимизми?

**12-БЕТ**

БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!! БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!! БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!! БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!!

**ШОРА**

Касбга садоқат фазилатларнинг энг масъулиятлиси, жамиятнинг моддий тиргаги саналади. У қанча пок ва беғараз бўлса, инсонни шунча юксакликка кўтарди. Лекин, афсуски, садоқатдан йироқ, шаънига доғ тушираётганлар ҳам учраб турибди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Хоразм вилояти бошқармаси Гурлан тумани бўлими ҳамда туман прокуратураси ходимлари ўтказган тезкор тадбирда мансабини суистеъмол қилган шахсларнинг фирибгарлиги, порахўрлиги фош этилди.

Гурлан тумани ҳокимининг ёрдамчиси А.Н. шу туманда яшовчи фуқарони мактабгача таълим тизимидаги муассасаларнинг бирига ишга киритиш эва-

зига 600 АҚШ доллари сўрайди. Ҳоким ёрдамчиси ишга кириш масаласи Гурлан тумани мактабгача таълим бўлимининг кадрлар бўйича мутахассиси Х.М. орқали ҳал бўлишини билдиради. Ўтказилган тадбирда А.Н. фуқародан 600 АҚШ долларини олаётган вақтда ашёвий



далиллар билан қўлга тушади. Тадбир давомида у пушаймонлик аризаси билан мурожаат қилиб, фуқародан олган 600 доллардан 300 долларини Гурлан тумани МТБнинг кадрлар бўйича мутахассиси Х.М.га беришини билдиради. Ариза асосида давом этган тадбирда МТБ мутахассиси ҳоким ёрдамчисидан 300 долларни олаётган вақтда ашёвий далиллар билан ушланди.

Жиноятга жазо муқаррар, фирибгарликни, порахўрликни касб қилмоқчи бўлган ушбу кимсалар ҳам қонунга панд бера олмади. Айбдорлар қилмишига яраша жазосини олишди.

**Аминбай КАЛАҶДАРОВ,**  
Департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси катта инспектори

# ЖИНОЯТЧИЛИККА ЭМАС, БАЛКИ УНИНГ САБАБИГА ҚАРШИ КУРАШИШ МУҲИМ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Маълумки, Ўзбекистоннинг ҳозирги тараккиёт босқичида суд-ҳуқуқ, жумладан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш тизимини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган қатор ташаббуслар илгари сурилди. 150 дан ортиқ қонун ҳужжати қабул қилинди. «Хавфсиз шаҳар», «хавфсиз хонадон», «хавфсиз туризм» каби ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг инновацион ғояларини ўз ичига олган концепциялар ҳаётга татбиқ этилди. Энг асосийси, бу соҳа ҳуқуқбузарликларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки уларнинг олдини олиш зарурлиги ҳақидаги ҳаётий тамойил асосида ислоҳ қилинмоқда. Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлашга масъул тузилма – Миллий гвардия ташкил этилди ва унинг ваколатлари белгиланди.

Ички ишлар, Давлат хавфсизлик хизмати, прокуратура органлари тубдан такомиллаштирилди, бу жараён изчил давом этмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик кучайтирилди, маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг жиноятчиликка қарши кураш борасида маъсулияти оширилди.

Натижада 2019 йилда умумий жиноятлар қарийб 3 мингтага ёки 6 фоизга қамайиб, юртимизда криминоген вазият барқарорлиги сақланди. 9116 та маҳалладан 3074 таси ёки ҳар учинчисида жиноят содир этилмади. Лекин ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда кузатилаётган айрим камчиликлар соҳадаги ислохотларга соя солмоқда. Шу сабабли ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш, жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш, тезкор қидирув ва терговдаги тизимли камчиликлар йиғилишда танқидий муҳофаза этилди.

2019 йилда жиноятлар сони Бухоро, Сирдарё, Навоий, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида юқориликча қолган.

Қотиллик жинояти Тошкент, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида, оғир шикаст етказиш Қашқадарёда, номусга тегиш Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий ва Қашқадарёда, босқинчилик Сирдарё, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида сезиларли ошган.

Профилактик тадбирлар етарлича олиб борилмагани оқибатида 51 та туман ва шаҳарда қотиллик жинояти кўпайган.

Йиғилишда қотиллик аксарият ҳолларда оила ва оддий маиший муносабатлар замирида келиб чиққани, қариндош-уруғлар ёки кўни-қўшилар ўртасидаги низолар тўғрисида бартараф этилмаётгани, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришдаги камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Ушбу жиноятларнинг 28 фоизи эр-хотин, ака-ука, ота-ўғиллар ўртасида юз берган. Мисол учун, Избоскан туманида бирон жойда ишламайдиган, ичкиликка ружу қўйган К. уйда маст ҳолда ногирон отаси ва онаси билан жанжаллашиб, уларни шафқатсизларга ўлдирган.

Илгари судланган шахслар томонидан ва маст ҳолда жиноят содир эти-

лисининг олдини олишга қаратилган тадбирлар талабга жавоб бермаслиги танқид қилинди.

Фарғона ва Тошкент вилоятларида илгари судланган шахслар томонидан, Навоий, Тошкент ва Фарғона вилоятларида маст ҳолда жиноят содир этиш ҳолатлари кўпайган. Масалан, Юнусобод туманида маъмурий назоратда бўлган К. спиртли ичимликка ружу қўйиб, тўрт ёшли қизини кўп қаватли уйнинг тўртинчи қаватидан пастга ташлаб юбориб ўлдирган.

Ички ишлар вазирлигида озоқликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этишга масъул проба-

## Қотиллик жиноятларининг 28 фоизи эр-хотин, ака-ука, ота-ўғиллар ўртасида юз берган.

ция хизматига юқлатилган вазифалар етарлича бажарилмаётгани кўрсатиб ўтилди. Мисол учун, илгари гиёҳвандлик моддасини ўтказиш жинояти учун судланиб, Гулистон шаҳар ИИБ проба-ция хизматида жазо ўтаётган Б. жиноий шериклари билан фуқаро М.нинг уйига бостириб кириб, 90 млн. сўмлик тилла буюмларини қўлга киритган.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда давлат бошқаруви идоралари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги тўғрисида йўлга қўйилмагани оқибатида ўтган йили мамлакатдаги маҳаллаларнинг қарийб 67 фоизида жиноят содир этилган, 1 797 тасида жиноятлар кўпайган.

Криминоген вазияти оғир ва аҳолиси кўп маҳаллаларга ҳуқуқий соҳада етарли билим ва тажрибага эга ходимларни профилактика инспектори лавозимига тайинлаш зарурлиги кўрсатилди.

Содир этилган жиноятларни маҳаллада муҳофаза қилиш ва сабабларини бартараф этиш маҳалла раисларидан фаоллигини талаб қилади. Лекин барча маҳалла фуқаролар йиғинлари бу жараёнга таяёр эмас. 2019 йилда 32 нафар маҳалла раиси, 16 нафар посдон ва қотиб турли жиноятларга қўл урган. Масалан, Бухоро туманида маҳалла фуқаролар йиғини раиси Э. фирибгарлик билан фуқаро Б.нинг 800 АҚШ долларини қўлга киритганда ушланди.

Хотин-қизлар кўмиталарининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш борасидаги фаолияти куттилган самарани бермагани кўрсатиб ўтилди. Аёллар 11 та босқинчилик, 38 та қотиллик, 75 та оғир жароҳат етказиш, 484 та ўғирлик ва 202 та наркотик моддалар муомаласи билан боғлиқ жиноятга қўл урган. Масалан, Косон туманида оғир ахволда шовхон 25 ёшли З. онаси билан бирга ўзининг янги туғилган чакалогини 5 млн. сўмга соғатганда ушланди.

З. ҳам, унинг онаси ҳам камбағал, кўп йиллардан буён ишсиз бўлса-да, уларни иш билан таъминлаш, ҳаёт тарзини ўрганиш чоралари қўрилмаган. Тергов давомида З. фарзанди оғир шароитда воёга етишини хоҳламагани сабабли уни сотмоқчи бўлганлигини айтган. Бу муаммоларни ҳал этишда хотин-қизлар кўмиталари, «Оила» илмий-амалий

тадқиқот маркази ҳам етарли ташаббус кўрсатмаган.

Хотин-қизлар кўмиталари, «Маҳалла», «Нуроний» тузилмалари, «Оила» илмий-амалий маркази фаолиятидаги камчиликларни ҳисобга олиб, 18 февраль куни давлатимиз раҳбари янги фармонга имзо çekди. Унга кўра жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини қўллаб-қувватлаш, оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш бўйича қатор чоралар белгилади. Жумладан, «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосланган янги тизим жорий этилади. Маҳалла ва оила кўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий тузилмалари фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Кенгаш йиғилишида янги ташкил этилган вазирлик ва унинг ҳудудий тузилмалари фаолиятини йўлга қўйишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ вазифалар муҳофаза қилинди.

Ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда профилактика инспекторлари фаолиятини самарали ташкил этиш билан боғлиқ тадбирлар кўриб чиқилди. Ёшлар, айниқса, воёга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда ҳокимликлар, таълим, ички ишлар идоралари, Ёшлар иттифоқи ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Мактаб ўқувчилари содир этган жиноятлар кўпайган. Мисол учун, Яшновод туманида мактаб ўқувчиси Ш. ўзaro жанжал оқибатида таниши Х.ни ўлдириб, жасадини ховлидаги қудуқка ташлаб юборган. Воқеага гувоҳ бўлган марҳумнинг турмуш ўртоғи Х. ва унинг дугонаси К.ни ҳам ўлдириш мақсадида ҳаётига суиқасд қилган.

Ш. 7 ой давомида дарсага қатнашмасдан, марҳум Х.нинг уйда ишлаб келган бўлса-да, синф журналида «сабабли дарс қолдирувчи» сифатида кайд этиб келинган.

## Таълим муассасаларида 210 нафар ўқувчи совуқ қурол олиб юрган.

Ангрен шаҳридаги мактаб ўқувчиси Ж. таниши С.нинг 42 млн. сўмлик тилла буюмларини қўлга киритиш учун уни пичок билан ўлдирган.

Воёга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда давомат муҳим аҳамият касб этади. Бош прокуратура томонидан ўтказилган давомат тадбирида 2019 йил 9-14 ноябрь кунлари Тошкент шаҳар мактабларида 4215 нафар, 11-27 ноябрь кунлари Қашқадарёда 1057 нафар ўқувчи дарсларга сабабсиз қатнашмагани аниқланган.

Бош прокурор маърузасида воёга етмаганлар ўртасида пичок ва бошқа совуқ қуроллар олиб юриш кўпайганини танқид қилди. Биргина 2019 йилда таълим муассасаларида 210 нафар ўқувчи совуқ қурол олиб юргани аниқланган. Масалан, Юнусобод туманидаги мактаб ўқувчиси Ю. отасига тегишли пневматик автоматни 1188 дона металл ўки билан мактабга олиб келган.

Ўтган йили ёшлар пичокдан фойдала-

ниб 346 та жиноят содир этган. Булар асосан қотиллик, жароҳат етказиш, босқинчилик ва безорилик жиноятларидир. Уларнинг аксарияти Сурхондарё, Наманган, Андижон, Қашқадарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрига тўғри келган. Мисол учун, Қўқон шаҳридаги мактаб ўқувчиси О. ўзaro жанжал оқибатида таниши Й.нинг қорнига пичок уриб, оғир жароҳат етказган.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишдаги камчиликлар очик-ойдин кўрсатилиб, ёшларга таълим-тарбия бериш, маънавий-ахлоқий тадбирлар самардорлигини ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Ёшлар ижтимоий тармоқлар ва бошқа омишлар таъсирида миллий қадрият ва анъаналаримизга ёт ғояларга берилаётгани, экстремистик ва террористик оқимларга қўшилиб қолаётгани барчани ташвишга солиши кераклиги таъкидланди. Хусусан, Тошкент шаҳрида 23 ёшли Т. ижтимоий тармоқлар орқали жиҳодга даъват этувчи маърузаларни тинглаб, Суриядаги террорчилик гуруҳига қўшилиш учун чиқиб кетаётганда ушланган.

Кенгаш йиғилишида жиноятни ҳисобга қўйиш, тезкор қидирув ва терговдаги камчиликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг айрим ходимлари томонидан инсон ҳуқуқларини поймол этиш ҳолатларига чек қўйилмагани қаттиқ танқид қилиниб, раҳбарлар олдида аниқ вазифалар қўйилди.

Кенгаш йиғилиши қизгин муҳокама билан кечди. Сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари У.Ташходжаев, Президент хузуридаги Хавфсизлик кенгаши қотибнинг ўринбосари Б.Шаякубов, Сенатнинг қўмита раиси Б.Матмуратов, Ички ишлар вазيري П.Бобожонов, Олий суд раиси К.Комилов, Судьялар олий кенгашининг раиси У.Мингбоев, Халқ таълими вазири Ш.Шерматов, Маҳалла ва оила кўллаб-қувватлаш вазири Р.Мамонов ва вазир ўринбосари Э.Боситнова, Миллий гвардия қўмондонининг ўринбосари Ш.Шакиров, Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Б.Юсупов, Ёшлар иттифоқи раисининг биринчи ўринбосари А.Жумабаев ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш бўйича фикр ва мулоҳазаларини билдиришди.

Кун тартибидagi масала юзасидан Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари А.Ташпулатов, вазир ўринбосарлари А.Икрамов ва Б.Мирзараҳимов, ИИБ ЖУЭБ хузуридаги проба-ция хизмати бошлиғи М.Исмаилов, Тошкент шаҳри, Тошкент, Наманган ва Андижон вилоятлари ИИБ бошлиқлари ҳамда прокурорларнинг тушунтириш ва изоҳлари эшитилди.

Аҳоли тинчлигини таъминлашдаги нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш, давлатимиз раҳбари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида қўйган вазифаларни бажариш бўйича аниқ тадбирлар белгиланди.

Йиғилиш якуни бўйича тадбирларни амалга оширишга қаратилган қарор қабул қилинди.

**Анвар ШУКУРОВ,**  
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори



## ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ РЕЖА

2020 йил 16-21 февраль кунлари Париж шаҳрида Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳ (ФАТФ)нинг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси делегацияси ҳам иштирок этди.

Ялпи мажлисда ФАТФнинг терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги иш режаси муҳокама этилди. Мазкур жараёнда “Мижозни рақамли идентификация қилиш механизмини жорий этиш” юзасидан тегишли ҳужжат тасдиқланди. Шу билан бирга, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги миллий тизимларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини баҳолаш жараёнлари ва бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Жумладан, ФАТФнинг санкцион рўйхатларига киритилган давлатларнинг миллий тизимидаги стратегик камчиликларнинг бартараф этилиши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Шунингдек, мазкур тадбир доирасида Молиявий разведка бўлинмалари раҳбарларининг форуми ташкил этилиб, унда миллий молиявий разведка бўлинмалари фаолиятини такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.

Ялпи мажлис доирасида Ўзбекистон Республикаси делегацияси томонидан Франция, Корея, БАА, Россия ва Беларусь давлатлари вакиллари билан ўзаро тажриба алмашиш ва халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари юзасидан икки томонлама учрашувлар ўтказилди.

Саидаббор ГУЛЯМОВ,

Бош прокуратура ҳузуридаги департамент бўлим бошлиғи

Сирдарё вилоятида Гулистон гарнизонидаги ҳарбий қисм ва муассасалар ҳарбий хизматчилари, уларнинг оила аъзолари ва ҳарбий пенсионерлар иштирокида сайёр қабул ўтказилди.



Тадбирда Республика ҳарбий прокуратураси раҳбарияти, Гулистон ҳарбий прокуратураси ҳамда Ширин шаҳар прокуратураси ходимлари, ҳудудий ИИБ, МИБ, ДХА, банклар, меҳнат, ўрта махсус ва мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, Тошкент ҳарбий округи қўшинлари кўмондонлигининг уй-жой, кадрлар, молия, тиббий хизмат, ҳуқуқий хизмат ва бошқа йўналишлар бўйича мутахассислари ҳозир бўлишди.

Барча йўналишлар бўйича 52 та мурожаат ва таклиф келиб тушди. Улардан 30 тасига шу жойнинг ўзига тушунтириш берилди. 12 та мурожаат қўшимча ўрганишни талаб қилгани сабабли мутасадди идоралар томонидан кўриб чиқиш учун қабул қилиб олинди, иккита мурожаат қисман, биттаси тўлиқ қаноатлантирилди.

Шу билан бирга, Ширин шаҳридаги 2-мактабда ёшлар билан давра суҳбати ташкил этилиб, унинг якунида Тошкент гарнизо-

ни ҳарбий оркестри чиқиш қилди.

Ҳарбийлар шаҳарчасига ҳам борилиб, уларнинг оила аъзоларига яратилган шароитлар, янги курилатган болалар боғчаси билан танишилди. Шаҳарчада яшовчи ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ҳар ойда кўча терминал олиб келиш ҳақидаги сўрови шу жойнинг ўзига ҳал қилинди.

Азиз ИСАКОВ,

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси

## БУНЁДКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Бугунги кунда Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманида ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

“Қозоқдарё” овули ҳудудида маҳаллий ёшлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳарбий хизматчилари ҳам фидойилик кўрсатмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси раҳбариятининг ташаббуси билан Нукус ва Урганч ҳарбий прокуратуралари ходимлари овулда бўлиб, амалга оширилаётган ишлар билан беvosита танишини асосида хашарчилар аҳолидан хабар олишди. Халқимиз анъанасига кўра, хашарчиларга тушлик учун ош дамланди. Энг илғор ҳарбий хизматчилар ва техника ҳайдовчиларига совғалар берилди. Муддатли ҳарбий хизматчиларга китоблар ҳам тарқатилди.

Хашарчилар Нукус гарнизони маънавият ва маърифат уйи оркестри жамоаси ва Хоразм вило-



ятидан келган хонандалар томонидан тайёрланган концерт дастурини томоша қилиб, маданий ҳордик чиқаришди.

Баҳодир ХУДОЙБЕРДИЕВ,

Нукус ҳарбий прокурори

# ФУҚАРО ИШИГА ҚАЙТДИ

PROTEST

Мамлакатимизда аҳолининг турмушини яхшилаш, ҳар бир фуқаронинг эркин касб танлаши, ўзи қизиққан соҳада меҳнат қилиши учун муносиб шароит яратиш бўйича кенг кўламли ишлар қилинмоқда. Бироқ баъзи ташкилот ва муассасалардаги аҳвол фуқароларнинг судма-суд сарсон бўлишларига сабаб бўлаяпти. Куйида келтирилган ҳолатда ҳам бир фуқаро ўз вазифасига қайта тикланиш учун ойлаб қимматли вақтини сарфлашига тўғри келган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, фуқаро Ш.Ҳамроев Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг Сурхондарё вилояти бошқармаси шаҳарлар ва туманларда автомобиль ташувларини мувофиқлаштириш шўъбаси 1-тоифали инспектори вазифасида 2019 йилнинг 19 апрелига қадар ишлаган. Айни шу санала Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи И.Жўраевнинг буйруғига кўра Ш.Ҳамроев билан тузилган меҳнат шартномаси агентлик тугатилиб, Транспорт вазирлиги ташкил этилиши муносабати билан Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 1-бандига асосан бекор қилинади.

Шундан сўнг Ш.Ҳамроев судга Транспорт вазирлигининг Сурхондарё вилояти транспорт бошқармаси устидан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, бошқарма бошчилигининг мазкур буйруғини бекор қилиб, ишга тиклаш ва мажбурий проғул кунлари учун иш ҳақи ундиришни сўрайди. Фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судининг 2019 йил 14 августдаги ҳал қилув қаро-

ри билан даъво рад қилинади. Афсуски, юқори суддан нажот кутган фуқаронинг яна ҳафсаласи пир бўлади. Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилояти суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 10 сентябрдаги ажрими билан қарор ўзгаришсиз қолдирилади.

Чорасиз қолган Ш.Ҳамроев Бош прокуратурага ариза билан мурожаат қилади. Шундан сўнг Бош прокурор ўринбосари мазкур суд қарорларини бекор қилиб, даъвогарнинг даъвосини қаноатлантириш ҳақида Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига назорат тартибда протест келтирди.

Фуқаролик кодексининг 53-моддасида юридик шахсни тугатиш унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворислик тартибда бошқа шахста ўтмасдан бекор қилинишига олиб келиши белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги «Транспорт соҳасида давлат бешқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг 1-бандига кўра эса Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги негизда Транспорт вазирлиги ташкил эти-

либ, 7-бандда ушбу вазирлик Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланиши кўрсатилган. Олий суд пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Судлар томонидан меҳнат шартномаси(контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида»ги 12-қарорининг 27-бандида меҳнат шартномаси корхонанинг тугатилиши сабабли Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 1-банди бўйича бекор қилинган шахсларни ишга тиклаш ҳақидаги низоларни ҳал қилишда судлар корхона мулкдорининг алмашиши ёки унинг қайта ташкил этилиши (қўшилиши, бўлиниши, янгидан ташкил топиши, ажралиб чиқиши, бирлашиши) корхонанинг тугатилиши деб қаралмаслигини ва меҳнат муносабатларини бекор қилишни келтириб чиқармаслигини судлар назарда тутишлари зарурлиги белгиланган.

Шунингдек, Меҳнат кодексининг 98-моддасига кўра корхона мулкдори алмашганда, худди шунингдек корхона қайта ташкил этилганда (қўшиб юборилган, бирлаштирилган, бўлиб юборилган,

қайта тузилган, ажратилганда) меҳнат муносабатлари ходимнинг розилиги билан давом этаверди. Куйи судлар эса агентлик тугатилмагани, балки қайта ташкил этилганини эътиборга олмасдан меҳнат қонунчилигини, Президент фармонини нотўғри талқин қилган, Олий суд пленумининг кўрсатмасига рияз этмасдан корхонани тугатилган деб ҳисоблаб, Ш.Ҳамроевнинг даъвосини рад этиш ҳақида ноқонуний ҳулосага келган.

Юқоридагиларга кўра Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 23 январдаги ажрими билан Бош прокурор ўринбосарининг протести тўлиқ қаноатлантирилиб, қуйи судларнинг қарорлари бекор қилинди. Ш.Ҳамроевнинг даъвосини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинди ва у ишга тикланди.

Иш берувчилар қонунларга рияз қилса, ўзларининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам вақтини тежаган бўлар эди.

Жамшид ҚҶШИЛОВ,

Бош прокуратура бошқарма прокурори

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 19 февраль куни «Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини қабул қилди.

# ҚОНУНИЙЛИК – АСОСИЙ МЕЗОН

2019 йил юртимизда муҳим ўзгаришлар рўй берган йиллардан бири бўлиб қолди. Хусусан, қонун устуворлигини таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришга қаратилган ислохотлар доирасида қатор ишларни амалга оширдик. Жумладан, туман прокуратураси томонидан 752 та прокурор назорати ҳужжати қўлланиб, 3411 кишининг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Туманнинг инвестицион салоҳиятини ошириш мақсадида бўш турган 257 та бионинг 74 тасида истикболли лойиҳалар амалга оширилиб, 156 таси бўйича «йўл харита»си ишлаб чиқилган. Шу билан бирга, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш чоралари ҳам кўриб борилмоқда.

Ўтган йили туманда 60 та тadbirkorлик субъекти тугатилгани ва 26 тасининг фаолияти тўхтатилгани ачинарли ҳолат, лекин 355 та янги юридик шахс давлат рўйхатидан ўтиб, иш бошлагани ва бу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан уч баробар ошгани туманнинг ютуғидир. Шу жумладан, туман прокуратураси томонидан 124 та тadbirkorлик субъектига ёрдам кўрсатилиб, 19 нафар тadbirkorнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

## Фарзандига салбий таъсир кўрсатувчи 8 нафар ота-она билан яқка тартибда ишлаш тизими йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 13-14 декабрь кунлари вилоятимизга ташрифи давомида тасдиқланган баён асосида туманда 1 трлн. 46 млрд. 655 млн. сўмлик 48 та лойиҳа амалга оширилиши ва 749 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилган эди. Мазкур лойиҳалардан 46 тасининг ўз вақтида ишга туширилиши таъминланиб, 2000 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Юртимизда ижтимоий объектларнинг қурилиши ва реконструкция қилиниши, янги иншоотларнинг ишга туширилиши давлат бюджетига боғлиқлиги сабабли бюджетга қўшимча маблағлар жалб этиш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан биридир. Бу борада ҳам туман прокуратураси томонидан қатъий назорат тadbirkorлари олиб борилаётган. 2019 йилда бюджет даромади прогнози 110 млрд. сўмга ёки 121,5 фоиз, маҳаллий бюджет прогнози 35 млрд. 900 млн. сўм ёки 115,2 фоиз бажарилишига эришилган.

Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам доимий эътиборда. Хусусан, ажрим ёқасига келиб қолган 224 та оиланинг 201 таси яраштирилган ва 198 та бола чала етим бўлиб қолишининг олди олинган.

Оғир шароитда яшаётган ишсиз аёлларнинг 84 нафари иш билан таъминланди. Бешта оиланинг уйи таъмирлаб берилди, ўн та оила уй билан таъминланди. Шу билан бирга, рўйхатга олинган 463 та камбағал оиллага 4 млрд. 309 млн. сўмлик имтиёзли кредит берилди. 560 нафар аёл тadbirkor сифатида рўйхатдан ўтказилиб, 620 та иш ўрни яратилди.

Ердан самарали фойдаланиш ҳосилдорликка катта таъсир кўрсатиши инobatга олиниб, назорат тadbirkorлари олиб борилмоқда. Жумладан, ўтган йили қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 0,55 гектар ер ўзбошимчилик билан эгаллаб олингани аниқланган ҳамда ҳуқуқбузарларга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, етказилган зарар ундирилишига эришилган.

2019 йилда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўрилган чоралар натижасида вояга етмаганларнинг ўз жонига қасд қилиши 33 фоиз камайди.

Туман прокуратураси томонидан фарзандларига рухий ва жисмоний куч ишлатиб келган оталарни оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида икки та даъво аризаси киритилиб, болаларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Шу билан бирга, фарзандига салбий таъсир кўрсатувчи саккиз нафар ота-она ва профилактик ҳисобга олинган ўн нафар бола билан яқка тартибда ишлаш тизими йўлга қўйилди.

Туманда жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича муайян ишлар қилинган бўлишига қарамай йил давомида 94 та жиноят содир этилди. 2018 йилда ҳам шунча жиноят юз берган эди. Охириги икки йилда туманда номусга тегиш, талончилик ва одам савдоси каби жиноятлар содир этилмаган.

Жиноятчиликка қарши курашиш борасида кўрилган чоралар натижасида 41 та маҳалланинг етти тасида умуман жиноят содир этилмади, саккизта маҳаллада жиноятлар аввалги йилдагига нисбатан камайди.

Худуд равақини жуда қўллаб омишлар белгилайди: иқтисодий тараққиёт, ижтимоий ҳимоя, ёшларга

## 19 нафар тadbirkorнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

эътибор, инвестиция жалб этиш... Аммо буларнинг орасида бир омил борки, унинг ўрни барча соҳада бекиёс. Бу қонун устуворлигидир. Барча соҳада қонун устуворлигини, адолат тантанасини таъминласаки халқимиз биздан рози бўлади.

**Отабек УСАНОВ,**  
Касби тумани прокурори

## АХБОРОТ ОЛИШ ШАРТЛАРИ

2020 йилнинг 21 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.



Видеоконференцалока режимида ўтказилган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Нигматилла Йўлдошев ҳамда ҳудудий судлар раислари, судьялар, сенаторлар, депутатлар, Судьялар олий кенгаши, вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар қатнашди.

Йилги мажлисда Олий суд пленумининг «Суд муҳокамаси ошқоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди пленумининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди пленумининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарорлари лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидлаш жонзки, «Суд муҳокамаси ошқоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида»ги пленум қарори лойиҳаси оммавий ахборот воситалари учун муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам қарор лойиҳасини ишлаб чиқишда ОАВ вакиллари жалб этилиб, унинг муҳока-

масида суд ходимларидан кўра журналистларга кўпроқ сўз берилди ва улар билдирган фикр-мулоҳазаларга алоҳида эътибор қаратилди. Бонси, мазкур қарор суд тизими ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги муносабат ва ҳамкорликнинг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилшига ҳуқуқий замин ярагади.

Пленум қарори муҳокамасида сўзга чиққанлар ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Судлар тўғрисида»ги, «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги, «Жамоатчилик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунларга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ тайёрланганини эътибор эътиб, ўз тақлифларини билдиришди.

Пленум қарорларининг қабул қилиниши судлар фаолиятида ошқоралик, шаффоқлик ва қонунийликни таъминлашга, таъсирчан жамоатчилик назоратини шакллантиришга ҳамда суд амалиётида қонун нормалари бир хил ва тўғри қўлланишини таъминлашга хизмат қилади.

Қарор лойиҳалари асос учун қабул қилиниб, билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар асосида яна бир бор кўриб чиқиши белгиланди.

**Ўз мухбиримиз**

## SEKTOR FAOLIYATI

## ХАЙРЛИ ИШЛАР

Жиззах вилоятидаги прокурор секторларида ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш орқали муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тизимли ишлар қилинмоқда.

Ўтган йили ушбу гуруҳлар томонидан уйма-уй юриш давомида аниқланган 31288 та муаммо бартараф этилган. Хусусан, Зомин тумани «Пешоғар» МФЙда яшовчи 2-гурӯх ногирони Х.Тошматовнинг уйи янгитдан қурилиб, унга иккита печ ва саккиз турдаги озик-овқатлар ижтимоий ёрдам сифатида берилган.

Арнасой туманида «Хар бир оила – тadbirkor» дастури доирасида кам таъминланган оилаларга тикув машинаси ва микропечлар тарқатилган. Галлаорол туманида тижорат банкларининг имтиёзли кредити асосида 27 нафар фуқарога юк ташишга мўлжалланган мототранспорт берилган.

Шу билан бирга, ижтимоий ва бошқа объектларда аниқланган 5499 та муаммо бартараф этилган. Масалан, Жиззах шаҳар Сайхон маҳалласидаги 5-оилавий поликлиника филиали таъмирланиб, поликлиника биносида жойлашган «Ижтимоий дорихона» фойдаланишга топширилди.



Янгибод тумани Хўжамушкент маҳалласида 380 метр йўл таъмирланди ва маҳалланинг 200 метрдан ортиқ ички йўлларида шағал ётқизилди.

Зомин тумани Ёшлик маҳалласидаги эскирган симёғочлар ўрнига етгита бетон устун ҳамда битта трансформатор ўрнатилиб, 350 метрлик электр симлари тортилди.

Вилоятда давлат раҳбари илгари сурган бешта ташаббусни рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Пахтакор тумани прокурори секторидagi «Олмасор» ҚФЙда яшовчи Д.Эргашев томонидан 1 млрд. 800 млн. сўм кредит ҳисобига «Пахтакор баракка чеварлари» МЧЖ ташкил этилиб, 110 нафар хотин-қизнинг бардиги таъминланди.

**Музаффар ИСЛАМОВ,**  
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

# ТАДБИРКОР ҲУҚУҚИ ПРОКУРАТУРА ЭЪТИБОРИДА

Кейинги йилларда Ўзбекистонда тадбиркорлик масалалари билан боғлиқ 100 га яқин фармон ва қарор қабул қилинди.

Жумладан, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш тизими тубдан тақомиллаштирилиб, текширишларни икки йилга тўхтатиш бўйича мораторий эълон қилинди, рухсат берувчи ҳужжатларни олиш тартиби анча соддалаштирилди, 42 хил лицензия ва рухсатнома бекор қилинди, Бош вазирнинг тадбиркорлар муурожаатларини кўриб чикувчи қабулхонаси ташкил этилди.



Тадбиркорликни ривожлантириш, инвестиция жалб қилинишини кўпайтириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, аҳолига муносиб ҳаёт шароитини яратиш масалалари Хоразм вилояти прокуратураси органларининг доимий эътиборида бўлди.

Хусусан, муаммоси бор тадбиркорлик субъектларининг рўйхати тузилди. Шу асосда 212 нафар тадбиркорга 34 млрд. 300 млн. сўм кредит, 72 нафарига 1065 гектар ер ажратилиши таъминланди. Бундан ташқари,

## Ишбилармонларнинг фаолиятига ҳамон тўсқинликлар қилинмоқда.

13 нафар тадбиркорга бўш бино ажратиб берилиши, 94 нафарига коммуникация тармоқларига уланиши, 40 нафарига лицензия олишида ва 637 нафарига бошқа масалаларда кўмаклашилди. Натияжада 430 та тадбиркорлик субъекти ташкил қилиниб, 792 та янги иш ўрни яратилди.

Прокурорлар аралашуви билан 130 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқи тикланиб, 1166 нафарига ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари бузилиши таҳлил қилинганда, уларнинг фаолиятига маҳаллий ҳокимликлар, ДСЭНМ, банк, Ергездекадастр, қурилиш бўлимлари, коммунал

Ҳозир мамлакатимизда 350 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти, шу жумладан, 10 мингдан зиёд хорижий инвестиция иштирокидаги корхона фаолият юритмоқда.

Соҳада ўтказилган назорат тадбирларида прокурор протестлари асосида ҳокимларнинг 145 та, назорат органларининг 135 та қарори бекор қилинди, тадбиркорларга 20 млрд. сўм ундириб бериш тўғрисида судларга аризалар киритилди, 516 нафар шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди.

Жумладан, Жиззах шаҳридаги «Triumph Eco Recovery» кўшма корхонаси (Хитой) таъсисчиси Чен Янжуннинг корхона раҳбари Д.Жўракулов унинг имзосини сохталаштириб, 1,9 млрд. сўм зарар етказгани ҳақидаги муурожаати юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, айбдорларнинг жавобгарлиги масаласи ҳал этилди.

Мутасадди идоралар билан ҳамкорликда кўрилган чоралар туфайли 4163 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқи ҳамда ўз ишини тўхтатган 11981 та тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тикланди.

Шу билан бирга, прокуратура органлари томонидан 15961 нафар тадбиркорга ёрдам кўрсатилган. Шу жумладан, 3126 нафарига кредит, 545 нафарига ер, 253 нафарига бино ажратилишида, 2425 нафарига муҳандислик коммуникация тармоғига уланишида, 646 нафарига лицензия олишида, 8966 нафарига бошқа масалаларда кўмаклашилди.

Тадбиркорлик субъектларининг муурожаатларини бевосита қабул қилиш мақсадида Бош прокуратуранинг 1007 қисқа рақамли ишонч телефони ва «prokuratura.uz» сайти ишлаб турибди.


**Баҳром МАШАРИПОВ,**  
Бош прокуратура бошқарма прокурори

идоралар ва бошқа органлар тўсқинлик қилгани маълум бўлди.

Аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш бўйича 5 та тақдимнома киритилди, ноқонуний 24 та қарор протест келтириш орқали бекор қилинди ва қонун талабига мувофиқлаштирилди, давлат бошқарув органларининг 15 нафар ҳодими интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди. Вилоят иқтисодий судига ва фуқаролик ишлари бўйича судларга 231 млн. 603 минг сўм ундириш юзасидан 62 та даъво аризаси киритилди ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари тикланиши таъминланди.

Бу каби ҳолатлар бошқа такрорланмаслиги учун прокуратура органлари ўтказаятган тарғибот тадбирларида тадбиркорларга ўз фикрини эмин-эркин билдириш имкони берилмоқда. Ўтган йили ўтказилган учрашувлар оммавий ахборот воситалари орқали 33 марта ёритилиб, аҳолининг хабардорлиги таъминланди.

**Мухаммад БОЛТАЕВ,**  
Хоразм вилояти прокуратураси бўлим прокурори



## ЕР СОТГАН ЭР БЎЛМАС...

Прокуратура органлари томонидан фермер, деҳқон ва бошқа ер эгаларининг манфаатини ҳимоя қилишда қонун устуворлигини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Ўтган 2019 йилда Самарқанд вилоятининг айрим ҳудудларида кузатишган об-ҳаво экин майдонларида талофат етказган бўлса-да, деҳқонларимизнинг шижоати билан кийинчиликлар энгил ўтиди. Жумладан, фермер хўжаликлари ва кластерлар 33 0645 тонна ғалла, 178 087 тонна пахта етиштирди, мева-сабзавот етиштириш ҳам ўтган йилларга нисбатан кўпаймоқда.

Вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан Пайарик туманидаги Қўлтўсин, Ғаллакор, Накурт қишлоқларида ёшларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида 20 та сув иншооти қурилди ва шу орқали 240,4 гектар ерда интенсив боғ ва тоқзорлар барпо этилиб, 480 киши иш билан таъминланди.

## Минг гектардан ортиқ ер ноқонуний ажратилган.

Вилоятда 1099 гектар тоқзор яратиш ва унда сув тежайдиган ускуналарни жорий қилиш учун қайтармаслик шарти билан ташаббускорларга 7 млрд. 300 млн. сўм маблағ берилди. Ушбу имтиёزلардан фойдаланиб, фаолиятини қонуний асосда олиб бораётган деҳқонларимиз баракали маҳсулот етиштириб, юртимиз раванкига ҳисса қўшмоқда.

Бирок ердан фойдаланиш қоидаларига бефарқлик билан қараётган, ерни ноқонуний эгаллаб, сотиб, бошқалар ҳисобидан бойлик орттириш истагида бўлганлар ҳам талайгина.

Ерни талон-торож қилиш ҳолатларини аниқлаш бўйича тузилган ишчи гуруҳлар томонидан ўтказилган хатлов жараёнида айрим фуқаролар кўплаб экин майдонларини эгаллаб олиб, ноқонуний тарзда бинолар қургани, бунинг натижасида ер унумдорлигига жиддий зарар етказилгани, бунга эса мутасадди шахслар ўз вақтида муносабат билдирмагани маълум бўлди. Жумладан, вилоят бўйича 2482 га ҳолатда суғориладиган 436,3 гектар экин майдонида ўзбошимчилик билан уй қуриб олинган, 199 та ҳолатда 240,8 гектар ердан ўз билангина фойдаланиб келинган, 199 та ҳолатда 1056 гектар ер ноқонуний ажратилган.

Ўзбошимчилик билан эгалланган 216,9 гектар ерни бўшатиш ва ноқонуний қурилишларни бузириш тўғрисида судларга 1549 та даъво аризаси киритилди, 10,6 гектар ер ҳокимликлар захирасига қайтарилди.

Туман ва шаҳар ҳокимларининг 570,8 гектар ер ажратиш тўғрисида чиқарган 113 та ноқонуний қарори бекор қилиниб, қонун устуворлиги таъминланди.

Ҳуқуқбузарларга нисбатан ўнлаб ҳолатларда маъмурий қамок ва жарима чоралари қўлланди, 18 та жиноят иши кўзгатилиб, тергов жараёнида ҳосилдор ерларни ишдан чиқарган шахслардан 636 млн. 300 минг сўм зарар ундириб олинди.

Ҳозир барча ҳудудларда ердан фойдаланиш аҳолининг аэрокосмик тасвирга олиш тизими жорий қилинган, ушбу кузатув тизими уй қуришга ер ажратишда ҳам қўлланоқда.

Ерни ноқонуний эгаллаш бўйича жавобгарлик чоралари қўйилди. Шу билан бирга, ерни ихтиёрий қайтарган ва унинг оқибатларини бартараф этган шахсларни жавобгарликдан озод қилиш тартиби жорий қилинди.

**Жамшид АХМЕДОВ,**  
Самарқанд вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

Аслида университетга кириш учун етарли балл тўплаган абитуриент имтиҳон пайтида синовдан четлатилди деган важ билан талабдор сафига қабул қилинмади. Хуқуқ-тартибот идоралари ходимлари абитуриент устидан тузилган қалбаки баённомани ким ёзганини билолмай хуноб бўлишди. Хадича Сулаймонова номидаги республика суд экспертизаси марказининг ҳужжатлар криминалистик экспертизаси лабораторияси хулосаси эса бу ҳолатга оидинлик киритди. Унга кўра тест синовларидан юқори балл тўплаган абитуриентга нисбатан қалбаки баённома расмийлаштирган шахс Давлат тест марказининг ходими бўлиб чиқди.

# ТИЛХАТЛАР ОЧГАН ТИЛСИМЛАР

Тергов ҳамда суд идораларининг асосий вазифаси фуқароларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оид тергов ва судловни амалга ошириш ҳисобланади. Мазкур вазифани бажаришда суд-экспертиза муассасалари ҳам муҳим роль ўйнайди. Суд экспертлик фаолияти йилдан-йилга ривожланмоқда ва бугунги кунда адолатни қарор топтириш, низоларнинг қонуний ҳал этилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хатда ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар ривожланган сайин жиноят турлари, ҳал этиладиган низолар ҳам мураккаблашапти. Шунга қарамай Республика суд экспертизаси марказининг ҳужжатлар криминалистик экспертизаси лабораторияси турли жиноятларнинг очилишига беқисс ҳисса қўшаётганига ерда ўтказилган экспертизалар билан танишиш жараёнида гувоҳ бўлдик.

тилхатини экспертиза қилиш вазифаси топширилди. Бизга маълум бўлишича, ўша қиз турмушга чиқмасдан ҳомиладор бўлиб қолади. У оиласидан буни сир тутиб, вақти-соати келиб тўлғоқ тутганда бошқа тумандаги туғруқхонага боради ва у ердагиларни алдайди. Яъни уйи узокдалиги, йўлда кетаётган пайтда дарди келиб қолганини, керакли ҳужжатларини олиб, яқинлари уйдан йўлга тушганини айтиб, ёлғон гапирди. Фарзандини дунёга келтирғач эса боласини ташлаб, яширинча туғруқхонадан қочиб кетади. Эртасига хуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан суриштирув бошланиб, қизнинг манзили аниқланади. Бу ишга ўша ҳудуднинг участка нозирини жалб этилгани учун барча ташкилий ишларни ўша ходим бажаради. Участка нозирини келтириб ўтишимизнинг сабаби бор. Бунга яна тўхталамиз.

тест синовидан четлатилмаган, аксинча, имтиҳонни муваффақиятли топшириб чиққан эди. Абитуриентнинг ота-онаси мазкур ҳолатга оидинлик киритиш мақсадида хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилади. Бу иш бўйича суриштирув бошланади. Қисқа вақт ичида абитуриент тўлдирган жавоблар варақаси ва у ишлаган саволлар варианты топилиб текширилганида у юқори балл тўплаган университетга киргани маълум бўлади. Демак, иқтидорли абитуриентнинг баллари инобатга олинмаслиги учун кимдир шу йўлдан фойдаланган.

вақтда имзо ва муҳрни сохталаштирган ҳолда содир этилган жиноятлар бирмунча кўпайди. Мисол учун, яқинда шундай экспертиза ўтказдик. Бир аёл соғлигини тиклашга, яъни жарроҳлик операцияси ўтказиш учун хорижга кетади. Унинг туғишган жигарлари бундан фойдаланиб, аёлниг имзосини сохталаштириб, фирмадаги улушини ўзиники қилиб олишган ва пулларни талон-торож қилиб юборишган экан. Бу аёл бир неча ойдан кейин юртимизга қайтганида шундай ҳолатга дуч келади. Экспертизада имзоларнинг бошқа шахс томонидан қўйилгани аниқланди ва бу бўйича хулоса судга тақдим этилди. Шу аснода бир жиноят очилиб, ҳақиқат қарор топди.

Агар имтиҳон пайтида абитуриент қонун-қондаларга зид ҳаракат қилса, ўша гуруҳ назоратчиси томонидан баённома тузилади ва у синовдан четлаштирилади. Терговчи сохта баённомани ким ёзганига аниқлик киритиш учун экспертиза тайинланади ва тегишли ҳужжатларни лабораториямизга тақдим қилади. Баённомадаги ёзувларни солиштириб кўриш учун бизга 200 дан ортиқ кишининг қўлда ёзилган кўрсатмаларини беришди. Кўрсатма эгалари қаралаётган шахс имтиҳон кунини ўша гуруҳ назоратчиси булган Қарши давлат университетининг ёши улғу ўқитувчиси экан. Табиийки, бу ёшдагилар кирилл алифбосида ёзилади. Баённома эса лотин алифбосида ёзилган эди. Бу ҳолат бизга калаванинг учини топиб берди. 200 та кўрсатма орасида тест марказининг ёшигина ходими томонидан қисқагина қилиб ёзилган кўрсатма эътиборимизни тортди. У лотин алифбосида ёзилган ва баённомадаги ёзувларга мос келарди. Терговчиндан шу ходим ўзининг фаолияти жараёнида ёзган бошқа ёзувларни ҳам тақдим этишини сўрадик.

Кейинги йилларда юртимиздан Умра сафарига борувчилар сони кескин кўпайди. Бу жараёндан эса баъзи виждонсиз кимсалар фойдаланиб қолишга уринмоқда. Маълумки, қайси давлатга бормоқчи бўлган соғлиғиз ўша давлатнинг юртимиздаги бэлчихонасидан виза олиш талаб этилади, албатта баъзи давлатларга чиқишда бундай тартиб йўқ. Лекин биз келтирмоқчи бўлган воқеада виза олиниши лозим эди. Хуллас, Умрага боришни ният қилган фуқаролар навбати билан жўнатилади. Аммо баъзи ноинсофлар бу ишларни маълум ҳақ эвазига навбатсиз қилиб беришларини, шундай хизматлар билан шуғулланувчи фирмаси борлигини айтади. Ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ югур-югурларга тоқат қила олмайдиган фуқаролар уларнинг хизматидан фойдаланади. Лекин азороптордан учун кетадиган вақтда уларнинг визалари қалбакилиги маълум бўлиб, самолётга чиқишга рухсат беришмайди. Ўша визалар бўйича ҳам лабораториямизда экспертиза ўтказилди ва уларнинг ҳақиқатан қалбаки эканлиги маълум бўлди. Бу ишни қилганлар эса жиноий жавобгарликка тортилди.



Мазкур лаборатория мудири **Наргис СОЛИЕВА** бизга лаборатория фаолияти ва экспертиза билан боғлиқ бир неча воқеаларни сўзлаб берди:

— Лабораториямизда бешта йўналишда экспертиза ўтказилади. Биринчиси — суд-хатшунослик экспертизаси. Бу йўналишда асосан қўлда ёзилган тилхатлар ва бошқа қўлёзмаларнинг муаллифи аниқланади.

Мисол учун фуқаролар бир-биридан қарз ёки бирор қимматбаҳо буюмни вақтинча ишлатиб туришга олганида буни тасдиқлаш учун тилхат ёзиб беради. Шундай ҳолатлар бўладики, кейинчалик баъзи одамлар ўзи ёзган тилхатни тан олмайди. Бундай вазиятда жабрланувчи хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилади ва ўша тилхатни ҳам тақдим қилади. Тергов органлари тилхат бўйича экспертиза тайинлайди. Бизнинг лабораториямиз экспертиза ўтказиб, ҳақиқатни аниқлаб беради. Албатта, бу жараённинг ўзига хос сирлари бор, лекин одамларимизда экспертизага ишонч бўлиши учун бунга қисман тўхталаман. Бу жараёнга тилхат эгаси деб гумон қилинаётган шахсининг аввалги ҳамда кейинги қўлёзмалари жалб этилади ва ўша тилхатдаги ёзувлар билан солиштирилади. Барчамизга аёниқ, одам йиллар давомида ўзига кулай усул яратган ҳолда шахсий ёзувини шланглангирган бўлади. Эркин ҳолатда ёзган одам айнан ўзи кашф қилган усулда қоғоз қоралайди. Демак, ҳарфларнинг ўхшашлиги, аниқлиги, ҳақ бошидаги катта ҳарфлар экспертиза хулосасининг пойдевори бўлади. Шу тарихда тилхатнинг эгасига оидинлик киритилади. Мисол тариқасида икки воқеани келтирамиз.

**Тилхатлар тилга киради**  
Кашқадарё вилоятдан бир қизнинг

Маълум бўлишича, опа-сингил келишган ҳолда гўё она боладан воз кечиб, уни туғруқхонага ташлаб кетгандек «спектакль» сахналаштиришади. Аслида гўдакни фарзандсиз бир оилага катта пулга сотиб юборишади. Болани расмийлаштириш ишларини эса бошқа шахслар ими-жимиди қилиб беради. Ўша пайтда участка нозирини қизни топиб, бу ишга ҳамдалла фаолларини ҳам жалб қилган ҳолда туғруқхонага олиб боради ва фарзандини расмийлаштиришни талаб қилади. Қиз қилмишлари овоза бўлишида участка нозирини айблайди ва вақти келиб ундан қасд олишни дилига тугиб қўяди. Унинг бу ишлари эса айнан қасд олиш учун ташкилланган экан.

Шундан сўнг одам савдосига қўл урган опа-сингил ва бу ишга алоқадор бошқа шахслар устидан ҳам жиноят иши очилди. Айбдорлар суд ҳукми билан жазога тортилди. Бировга чоҳ қазилсан ўзинг шу чоҳга тушасан деб бежиз айтишмайди.

**Тест марказидаги ўйин**  
Бундан бир неча йил аввал Қарши давлат университетида кириш учун тест топширган абитуриент жавоблар чиққанида рўйхатдан ўзини топа олмайди. У қабул комиссиясига мурожаат қилганида, унга имтиҳон пайтида жавоблар варақасини йиритиб қўйгани учун баённома расмийлаштирилиб, имтиҳондан четлатилганини айтишади. Ҳақиқатда эса у ўша кунини



Рустам ШАРИПОВ олган суратлар

Унга тегишли бошқа ёзувларни келтириб беришга эса баённомани тест марказининг ўша ходими ёзгани аниқ бўлди. Тергов жараёнида маълум бўлишича, Давлат тест марказида ошпаб бўлиб ишлаётган бу шахс баённомани марказнинг бошқа масъул ходимлари топшириги билан ёзган экан. Биргина суд-хатшунослик экспертизаси ортидан марказдаги жиноий гуруҳ қилмишлари фож этилди.

**Мухр ва имзо моjarоси**  
Иккинчиси — суд-техник экспертиза. Бунда фуқароларнинг имзолари, муҳрлар ҳамда хорижга чиқиш билан боғлиқ турли ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар текширилади. Айни

Ички ишлар ходимлари ҳам имзоларни сохталаштирган ҳолатлар учраб туради. Самарқанд вилояти Пастдаргом туманида яшовчи фуқаро йўл қондасини бузгани учун қўлланган жаримани вақтида тўламагани боис иш судга оширилади. Шундан сўнг ҳайдовчи йўл қондасини бузмаганини баён қилиб, тегишли жойга ариза ёзади. Ҳайдовчи имзо ўзиники эмаслигини айтганида, бу бўйича экспертиза тайинланади. Экспертиза эса имзо ҳайдовчиники эмаслигини тасдиқлаб берди.

Маълум бўлишича, йул-патрул хизмати инспектори йўловчи машинани тўхташиб, қондани бузганини айтади ва бу ҳолатни «протокол»га расмийлаштиради. Аммо ҳайдовчи қондани бузмаганини, ноўрин айбланаётганини инспекторга тушунтиришга ҳаракат қилади. Хуллас, ўртада тортишув бўлади ва ҳайдовчи «протокол»га имзо қўйишдан бош тортиб, воқеа жойидан кетиб қолади. Инспектор эса бу ҳолатни гувоҳлар иштирокида расмийлаштириши талаб этиларди. Бироқ у «протокол»га ҳайдовчининг ўрнига ўзи имзо қўйиб юборган экан.

Шундан сўнг ноқонуний ишга қўл урган ИПХ ходимига нисбатан ҳуқуқий чора кўрилади.

\*\*\*

Учинчиси суд-сибстатуснослик экспертизаси бўлиб, бунда ижтимоий тармоқларда тарқатилган ёки китоб шаклида босилган экстремистик ғояларни тарғиб қилувчи мақолалар ҳамда асарларнинг муаллифлари аниқланади. Бу каби ғоялар муаллифлари ҳеч қачон ўз исм-фамилиясини кўрсатмайди, тахаллусдан фойдаланади. Бу кимсаларнинг шахси суд-сибстатуснослик экспертизаси орқали аниқланади.

Лабораториямизда ўтказиладиган тўртинчи экспертиза суд-филология экспертизаси бўлиб, унда ҳикоя, роман ва бошқа асарларнинг ҳақиқий муаллифи кимлигига ойдинлик киритилади. Масалан, бир одам китоб чиқаргандан сўнг иккинчиси менинг асаримдан фойдаланган деб уни судга беради. Шу каби ҳолатларга суд-филология экспертиза хулосаси ечим топиб беради.

Бешинчиси эса суд-лингвистика экспертизаси бўлиб, унда аудиоёзувдаги овоз кимга тегишлилиги аниқланади. Бунга кўп имсол келтириш мумкин. Бу бўйича экспертизага асосан порохўрлик, фирибгарлик жиноятлари бўйича ишлар келади.

Бугунги кунда фирибгарлик шу қадар «ривожланиб» кетдики, унинг турли кўринишлари билан боғлиқ ишлар лабораториямизга тез-тез келмоқда. Кимдир уйини ёки машинасини сотади. Шундан сўнг олган одамдан расмийлаштиришгача бўлган ораликда келишувдаги пулнинг бир қисмини бунга сифатида олиб, тилхат ёзиб беради. Уй ёки машинани расмийлаштириш учун келишилган кўни эса олувчи сотувчиси топа олмайдди. Икки кун олдин ёзилган тилхат эса ўчиб кетган бўлади. Олувчи ўша одамни топиб, бунга учун пул олиб қолганини эслатса, у сизни биринчи бор кўриб турибман, одамга тўхтаб қилманг деб сурбетлик қилади. Маълум бўлишича, фирибгарлар буни олдиндан режалаштириб, қисқа вақт ичиди сиеҳи ўчиб кетадиган ручка билан тилхат ёзиб беришар экан. Айни пайтда лабораториямизда шундай ручкаларда ёзилган ёзувларга аниқлик кiritиб берувчи ускуна бор.

Ҳар бир экспертиза хулосасини тегишли жойга юборётганда албатта ушбу хулоса жиноятни очишда ёки низоини ҳал қилишда қандай аҳамият касб этганини билиш учун ўша идорага хат жўнатамиз. Аскарят жиноят ишлари билан боғлиқ экспертизалар бўйича тергов идораларидан миннатдорчилик хатлари оламиз. Лекин фуқаролик ишлари бўйича судларнинг масъуллари экспертизаларимиз қандай аҳамият касб этгани хусусида хат йўллаш ўқда турсин, телефон орқали ҳам раҳмат айтмайди. Бу каби ҳолатлардан баъзан лабораториямиз жамоаси қаттиқ хафа ҳам бўлади. Чунки шундай ҳолатлар бўладики, экспертиза хулосасини тайёрлашда баъзан ойлаб, йиллаб изланиш олиб борамиз.

Шу ўринда фуқароларимизни ўта ҳушёр бўлишга чорлайман. Ҳатто паспортнинг нусхасини ҳам бировага ишониб топширманг. Агар юқорида келтириб ўтилган вазиятларга тушиб қолсангиз, марказимиз ёрдамидан бемалол фойдаланишингиз мумкин.

\*\*\*

Хулоса қиладиган бўлса, суд экспертизаси одил судловни амалга оширишга кўмаклашади. Суд мажлисида тарафлар берган баёнот, гувоҳлар берган кўрсатмалар мўҳим ўрин эгалласа-да, суд экспертизаси орқали аниқланган далиллар ҳам ўзига хослиги, ишончлилиги, объективлиги билан ажралиб туради.

Камолиддин АСҚАРОВ,  
«Нуқуқ»



Гайратжон ФОЗИЛОВ,  
Андижон вилояти прокурори

# БАРЧА ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН

Жумладан, прокурор протестлари асосида қонунга зид 708 та ҳуқуқий ҳужжат бекор қилинди, 639 таси қонунларга мувофиқлаштирилди, қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан 1743 та тақдимнома киритилди.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида 1448 нафар шахс расман огоҳлантирилди, қонун бузилишига йўл қўйган 3790 киши интизомиي, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонунбузилишлар бўйича 62 та жиноят иши кўзга тилиди ва судларга 2,1 млрд. сўмлик зарарни ундириш ҳақида 341 та ариза киритилди. Бундан ташқари, текшириш ва дастлабки тергов давомида айбдор шахслардан 25 млрд. сўмлик зарар ундирилди таъминланди.

Утган йили прокуратура органлари томонидан тадбиркорларнинг муаммосини қонун доирасида ҳал этиш мақсадида тадбиркорлар иштирокида 677 марта учрашув ўтказилди. 1302 та тадбиркорлик субъектнинг муаммоси ҳал этилиши таъминланди. Жумладан, 670 та тадбиркорга 19,5 млрд. сўм кредит, 41 тасига ер, 20 тасига бино, 35 тасига руҳсатнома олиб берилди, 118 таси коммуникация тармоқларига уланиши таъминланди, 418 нафарига бошқа масалада ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Бу даврда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари билан боғлиқ жами 383 та муурожаатнинг 97 таси қаноатлантирилган, 286 тасига тушунтириш берилган.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва бандлигини таъминлаш, пенсия, нафақа ва иш ҳақи ўз вақтида тўланиши устидан доимий назорат ўрнатилган. Тадбирлар натижасида пенсия, нафақа ва иш ҳақи учун талаб этилган биринчи даражали тўловлар тўлиқ тўланишига эришилган.

Аҳолига малакали, сифатли, замон талаблари ва стандартларига мос тиббий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилиши натижасида болалар ўлими, шунингдек, аҳоли орасида юқумли касалликларга чалинганлар сонининг камайишига эришилди.

Келгусида ҳам бу борадаги назорат тадбирлари кучайтирилади ва албатта айбдорларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланади.

Аҳолининг бандлигини таъминлаш борасида қилинган ишларга тўхталсақ, бўш иш ўринларидан фойдаланиш, ходимларни талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича қайта тайёрлаш ҳисобига ишга жойлаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар дастури бажарилди.

Мамлакатимизда фуқароларнинг таълим олишини таъминлаш борасида қатор ишлар қилинмоқда. Вилоят прокуратура органлари ўтказган тадбирларда асосий эътибор вояга етмаганларнинг таълим-тарбияси, ижтимоий ҳимояси, соғлиги ва бандлигини таъминлашга қаратилди. Натижада вояга етмаганлар содир этган жиноятларнинг камайишига эришилган.

Шу билан бирга, профилактика ишларда кўзланган натижага эришилмагани сабабли ўғирлик жинояти Жалақудуқ туманида,

Хонобод шаҳрида, Андижон, Булоқбоши ва Улуғнор туманларида, талончилик Иббоскан туманида, номуսга тегиш Андижон туманида ортиган.

Айни пайтда мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг муурожаатиға беписанд муносабатда бўлиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Бу халқ орасида нафақат шу амалдорнинг, балки у раҳбарлик қилётган идоранинг ҳам обрўсига путур етказди. Улар халққа муносабатини тўбдан ўзгартириши, қонун талабларига қатъий риоя қилиб ишлаши лозим.

Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ва қонунларни тарғиб қилишдан иборат. Ана шу мақсадда утган йили прокуратура органлари томонидан қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида

Вилоятда 2019 йилда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан ҳуқуқланидиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича 6 мингдан зиёд прокурор назорати ҳужжати қўлланиб, 3540 кишининг бузилган ҳуқуқи тикланди.

97 фоизи бартараф этилган бўлса, 551 тасини ҳал этиш бўйича тегишли идораларга топшириқлар берилган.

Вилоят прокурори секторидаги 9105 нафар ногироннинг 6775 нафарига тиббий ёрдам кўрсатилди, 1219 нафарига даволаш ва профилактика масканлариға бепул йўлланмалар берилди, 80 нафари кўлтиқтаёқ, 92 нафари эшитиш мосламаси ва 224 нафари ногиронлик аравачаси билан таъминланди.

Аҳолиға электр энергиясини улзуксиз ва сифатли етказиб бериш вилоятнинг энг огриқли масалаларидан бири бўлгани сабабли ушбу муаммоға ҳам дақида эътибор қартилмоқда. Утган давр мобайнида 2670 та ярқсиз электр симёғочлар алмаштирилди, 89119 метр электр сими янглинди, эскирган трансформаторларнинг 669 таси таъмирланди, 53 та янги трансформатор ўрнатилди.

## ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН

**Бандлиқ масалалари:**

Ўтказилган меҳнат ярмаркаларида  
**5831** нафар фуқаро, шу жумладан, **2239** нафар битирувчи ишга жойлаштирилди.

Иш излаб чет элга чиқиб, қайтиб келган **98765** фуқаронинг **82017** нафари ёки **83%** бандлиги таъминланишига эришилди.

**Муурожаатлар:**

Вилоят прокуратура органлариға **38** мингдан зиёд муурожаат келиб тушган.  
Шундан:

**16039** таси ҳал этилиб, **3950** таси қаноатлантирилди.

Бу даврда **24610** киши қабул қилинган.  
Шундан **9834** нафари сайёр ва оммавий қабулларда, **9203** нафари шахсан прокурорлар ва **5750** нафари прокурор ўринбосарлари қабулида бўлган.

7 минга яқин тарғибот тадбири ўтказилди. Оммавий ахборот воситаларида 1000 дан ортиқ чиқиш қилинди.

Утган йили ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг раҳбарлари иштирокида жойларда мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 37 та ййғилиши ўтказилиб, биргаликда амалга оширилаётган чора-тадбирлар белгиланиб, ижроси таъминланган. Мазкур тадбирларда жиноят ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтиришга, бу борада давлат бошқарув органлари, нодавлат ташкилотлар ва жамоатчилик билан ҳамкорлик самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Булардан ташқари, вилоят прокурори раҳбарлигидаги 2-секторда ҳам муйайин ишлар амалга оширилди. Сектор раҳбарлари ва ишчи гуруҳ аъзолари томонидан 204 та маҳалла фуқаролар ййғинидаги 129 мингдан зиёд хонадорнинг барчаси ўрганилиб, аниқланган 19827 та муаммонинг

Ошкоралик прокуратура органлари фаолиятининг асосий принципларидан бири ҳисобланиб, вилоят, туман, шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳар йили халқ депутатлари кенгашларига қонунийлик ҳамда жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида ҳисобот беради.

Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг 2020 йил 4 февраль куни ўтказилган 2-сессиясида вилоят прокурорининг ҳисоботи тинлганди.

Депутатлар вилоят прокурорининг қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қилинган ишлар, шунингдек, бириктирилган ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, эришилган натижалар ва ҳал этилиши лозим бўлган масалалар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқладилар.



Таассуфки, фуқаролар орасида бировни алдаш орқали мулкни қўлга киритаётган фирибгарлар кўпаймоқда. Албатта, ҳар қандай жиноят учун жазо муқаррар.

темирйўл узелида етакчи муҳандис бўлиб ишловчи таниши Олимхон Адизовни ишга солади. Унинг телефон рақамини М.Қобиловга бериб, гаплашиб олишларини айтади.

О.Адизов М.Қобиловнинг жиянини «Ўзбекистон темир йўллари»га қарашли корхоналардан бирига ишга киритиб қўйишга ваъда беради. Бунинг учун улардан 600 АҚШ доллари талаб қилади. Олдиндан 300 доллар, ишга жойлашгандан сўнг қолганини беришларини айтади.

М.Қобилов аввалига унинг гапларига ишонмаган бўлса-да, жиянининг ҳужжатларини келтириб беради. Лекин пулни беришга шоялмайди. Ундаги ишончсизликни сезган О.Адизов найранг ишлатиб, қалбаки ҳужжатлардан фойдаланади. У «Ўзбекистон темир йўллари» кадрлар бошқармасининг иш билан таъминлан ҳақидаги йўланмасини қалбакилаштириб, М.Қобиловга беради ва жияни ишга қабул қилиниши, аммо бунинг учун тиббий кўрик ва суҳбатдан ўтиши кераклигини айтади. Шундан сўнг унга кўнғирок қилиб, келишилган пулни тезроқ беришини талаб қилаверади. Тиббий кўрик ва суҳбатдан ўтмай туриб ишга қабул

қилиш мумкин эмаслигини кечроқ бўлса ҳам тушуниб қолган М.Қобилов бу ҳақда тегишли жойга ариза билан мурожаат қилади.

Келишилган пул О.Адизовга етказиладиган бўлди. Бироқ у пулни ўзи олишга чўчиди шекилли, мазкур вазифани бу ишдан хабардор бўлган таниши А.Аббосовга юклаб, хизмати эвазига 100 доллар ваъда қилди. Яққасарой туманидаги кафелардан бирида А.Аббосов келишилган пулнинг 300 долларини М.Қобиловдан олган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ашъвий далил билан қўлга олинди. Шундан сўнг тадбир давом эттирилди. А.Аббосов олган пулидан 200 долларини шериги О.Адизовга берган вақтида иккинчи фирибгар ҳам қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек тумани судининг ҳуқуқига кўра О.Адизов ва А.Аббосовга қилмишларига яраша жазо тайинланди.

**Мансурбек АБДУЛЛАЕВ,**  
департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси катта инспектори

«Жияним университетни тугатиб, иқтисодчи бўлди, бирор жойда иш бўлса ишлар эди» деган гап фуқаро Мадамин Қобиловнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) оғзидан чиқиб билан «Тошкент метрополитени» АЖда чилангар бўлиб ишлаган Амир Аббосов дарҳол ўзининг таклифини айтади. Лекин бу ҳолис хизмат эмасди. Унинг таклифи ортида жиноий режа бор эди. А.Аббосов режасини амалга ошириш учун «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг Тошкент минтақавий

## АДАШГАНЛАР ҚИСМАТИ

Ёшларимизни экстремизм хатаридан ҳимоя қилиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб борилмоқда. Экстремизм жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга мос келмайди ва уларга зид бўлган ғоя ва мутаассибликка асосланади.

А.И. 1992 йили Қарши туманида туғилган. У тенгқурлари Н.З., К.А. ва Т. У. билан жиноий тил бириктириб, чет элдаги ватанфурушларнинг даъватларига учиб, муқаддас Қуръони карим оятларини жиноий манфаатлари йўлида талқин қилган. Диний билими саёз инсонларни амалдаги тузумни Конституцияга хилоф равишда ўзгартириш, ҳокимиятни босиб олиш учун жиҳодга даъват қилади, диний идоралар тақиклаган дисқларни тарқатади.

Яқинда бу жиноий тўданинг фаолиятига чек қўйилиб, суд ҳукми билан қилмишларига яраша жазо тайинланди.

Ватан она каби муқаддас. Унинг сарҳадларини ганимлардан ҳимоя қилиш, бир сиким тупроғини кўзга тўтиё айлаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

**Тулкин КУРБАНОВ,**

департаментнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси катта инспектори



## ҚУРИЛИШДАГИ «СИРЛИ ИШ»

Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Беруний тумани бўлими режа асосида ижтимоий соҳа объектларида қурилиш ва таъмирлаш ишларининг тўғри ва сифатли бажарилгани юзасидан текширув ўтказди. Натيجада тумандаги саккизта мактабгача таълим муассасаси ва мактабда 265,5 млн. сўмлик аслида бажарилмаган қурилиш ишлари расмий ҳисоботларга қўшиб ёзилиб, бюджет маблағи талон-торож қилингани аниқланди. Масалан, «Қиятарсервис» МЧЖ мансабдорлари «Махтумқули» ОФЙ худудидаги 5-мактабгача таълим муассасасини таъмирлаш чоғида 70 млн. сўм пулни талон-торож қилишган. Бўлим ходимларининг тушунтириши натижасида қўшиб ёзилган қурилиш ишлари тўлиқ бажарилиши таъминланиб, жамиятнинг мансабдорларига нисбатан қонуний жавобгарлик чоралари қўрилди.

**Аметжан МАШАРИПОВ,**

департаментнинг Беруний тумани бўлими бошлиғи



## «ЖАРИМА СОЛУВЧИЛАР» ЖАЗОСИНИ ОЛДИ

Газ жиҳозлари ва печларидан ис газининг ажралиб чиқиши инсон ҳаёти учун ғоят хавфлидир, бунга йўл қўймаслик керак. Газ таъминоти идоралари ходимлари маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда хонадонлардаги носоз қурилмаларни аниқлаб, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бормоқда.

Мазкур жараёнда маҳаллий ҳокимликлар баъзи масъулияти чекланган жамиятларга газчиларга ёрдамлаштиришга рухсат берган. Аммо уларнинг ишидан аҳоли норози бўлмоқда. Чунки бундай жамиятларнинг ходимлари фирибгарликка қўл урмоқда.

Олмалик шаҳридаги «Электр ва ис газининг олдини олиш» масъулияти чекланган жамиятининг иш бошқарувчиси Муқимжон Йўлчиев ҳамда жамиятда назоратчи бўлиб ишлаган Илҳом Аминовнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) вазифаси мулақоқ бошқа эди. Юқорида таъкидлаганимиздек, улар хонадонларга кириб ёнги келиб чиқиши ва ис газидан захарланишнинг олдини олиш бўйича тарғибот ишларини олиб боришлари керак эди. Лекин улар фирибгарлик қилиб, хонадон эгаларидан пул талаб қилишди.

Икковлон жиноий тил бириктириб, Оҳангарон туманининг Овжасой қишлоғига боришади. Уйма-уй юриб,

хонадонлар умумий фойдаланишдаги газ ва электр тармоғига қандай уланганини текширишади. Шу жараёнда фуқаро Маъмура Ўриновага тегишли хонадонда табиий газдан резина шланг орқали фойдаланилаётганига гувоҳ бўлишади. И.Аминов уй эгасини бу ҳолат бўйича далолатнома расмийлаштириб, жарима солиш билан қўрқитади. Аслида уларнинг бундай вақолати йўқ эди. Жарима солинишидан чўчиган М.Ўринова улардан далолатнома расмийлаштирмасликларини сўраб ёлворади. Нишонни тўғри олган И.Аминов аёлининг илтимосини қабул қилади. Эвазига ундан 600 минг сўм олади ва шериги М.Йўлчиев билан баҳам қўради.

Мўмай пул мейдек ёқиб тушган иккови юришни давом эттиришади. Шу қишлоқда яшовчи Маъмур Эркинов ҳам хонадонда газдан фойдаланишда камчиликка йўл қўйган экан. И.Аминов ундан ҳам 600 минг сўм талаб қилади. Аммо М.Эркинов бунча пули йўқли-

ги, 400 минг сўм бера олишини айтади. Уша кун И.Аминов 400 минг сўм пулни олиб, бошлиғи М.Йўлчиев билан бўлиб олади. Орадан бир неча кун ўтгач эса М.Эркиновга кўнғирок қилиб, қолган 200 минг сўмин бермас, жарима солиш билан қўрқитади. МЧЖ ходимининг талаби ноқонуний эканини билгач М.Эркинов бу ҳақда ариза билан тегишли жойга мурожаат қилади.

Фуқаро яна 150 минг сўм олиб, И.Аминов айтган жой, яъни Оҳангарон шаҳар марказига келади ва унга пулни беради. Шу вақтда И.Аминов департаментнинг Оҳангарон шаҳар бўлими ходимлари томонидан қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Оҳангарон тумани судининг ҳукми билан И.Аминов ва унинг раҳбари М.Йўлчиевга озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

**Бахритдин ДЖУМАЕВ,**  
департаментнинг Оҳангарон шаҳар бўлими бошлиғи



# ҚАЛЛОБ ҚАССОБ

Ҳаётда шундай кимсалар борки, уларнинг «актёрлик маҳорати»га тан бермай иложинг йўқ. Бир неча сониядаёқ улар одамни сеҳрлайди-қўяди – оғзидан чиққан ҳар қандай гапга ишонаверасан киши.

Насрулла Зайниев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам ана шунақа «алдарқўса»лардан. Аслида унинг бинийдек хунари бор. Қассоблик ортидан рўзгорини юритиб келаётганди. Уч фарзанди аини балогатга етганида боши қарздан чиқмай қолди, рўзгоридан барака кочди.

Одатда бундай вазиятда кўпчилик ортига назар ташлаб, юриш-туришини таҳлил қилади, «Қайсидир ишим Худога хуш келмади чоғи, бошимга шунақа ташвишлар тушяпти» деган ўйда савоб ишларга унайди. Аммо Насрулла бунинг аксини қилди. Қарзларидан қутулиш мақсадида бировларни чув тушириш орқали муаммосини ҳал этишга киришди.

Шундай кунларнинг бирида таниши Мадрахим Қамбаров унинг биринчи «ўлжаси»га айланди. Улар Уйчи тумани Ёрқўрғон кишлоғидаги мол бозорига учрашиб қолишди.

## Югур-югур, ялиниб-ёлвориб, дўқ-пўписаларнинг ҳеч бири кор қилмади. Насрулла ҳеч кимнинг пулини қайтариб бермади.

– Бокаётган молим анча семириб қолди, бир кўриб бермайсизми? – деди Мадрахим унинг қассоблигини билгани учун.

Кечки пайт унинг уйига келган Насрулла молининг қанча гўшт қилишини чамалаётиб, Мадрахимга «тўр ташлади»:

– Килосини 21300 сўмдан сотиб оламан, – деди у айёрона боқиб. – Айтганча, ўртоғинг Мохирнинг ҳам бокаётган буюқлари бор эди шекилли?.. Сотмасмикан?!

– Сотса керак... – Мадрахим Насрулланинг аллақачон бировларни алдаб кун кўриш йўлига ўтиб олганидан беҳабар жонлиб кетди. – 23 та моли бор... Телефон қилайми?

– Бир сўраб кўр-чи... Агар ҳаммасини сотса, мен пулини бир ҳафта ичда жамлаб бераман. Сенинг пулингни эса тезроқ қилиб беравераман...

Мадрахим шу заҳоти таниши Мохирга кўнғироқ қилди.

– Аввал Насрулла билан бир гапласай-чи... Кейин бир гап айтарман...

Улар ўша кун учрашишди. Насрулла см еб семириб қолган молларни зимдан кузатар экан, ёлғонлар билан бир зумда Мохирнинг ишончига кириб олди.

Насрулла эртаси кун Мадрахимнинг бир ва Мохирнинг 23 та қорамолини 243 млн. 974 минг сўмга сотиб олиб, пулини бир ҳафтада икки бўлиб беришга

келишди. Молларни шу куннинг ўзида олиб кетди.

Мадрахим ва Мохир алданганларини билмай, аввалига бу савдодан жуда хурсанд эдилар. Бироқ ҳадеганда Насруллдан дарак бўлавермагач, уларнинг пайтавасига қурт тушиб, пулларини олиш илнжиди унинг уйига серкатнов бўлиб қолишди.

Бу орада Насрулла уларнинг 129 млн. 200 минг сўм пулини берди. Бироқ қолган қарзини қайтаришни ҳаёлига ҳам келтирмади. Аксинча, янги мижоз топиш ҳаракатига тушди. Ўзининг тенгдоши бўлган Шарофиддинга кўнғироқ қилиб, уни аврай бошлади:

– Ҳозир битта харидорим шошилинч сўрапти, отанг бокаётган молларини сотмасмикан? Пулида муаммо бўлмайди...

Табиики, Шарофиддин ҳам унга ишонди. Отасининг телефон рақамини берди...

Насрулла бу оиланинг ҳам ишончига кирди. Кечки пайт юз минг сўм аванс бериб, 5 млн. 800 сўм сўмлик қорамолни олиб кетди ва бозорга олиб чиқиб нотаниш кимсаларга пуллаб юборди. Шу билан...


Шарофиддин бир неча ой Насрулланинг ортидан югуриб пулини ололмади. Ҳар гал турфа бахоналарни эшитиб қайтаркан, тенгдошининг аллақачон фириб бобиди устаси фаранг бўлиб кетганини англади-ю, афсус билан бош қашиб қолди.

Югур-югур, ялиниб-ёлвориб, дўқ-пўписаларнинг ҳеч бири кор қилмади. Насрулла ҳеч кимнинг пулини қайтариб бермади. Ниҳоят, фирибгарга алданганларини англаган жабрланувчилар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилишди...

Суд жараёнида Насрулла Зайниев бу ишларни ноиложликдан қилганини, қарзлари кўпайиб кетганидан шунга мажбур бўлганини, ҳозир жабрланувчиларга етказган зарарини тўлиқ қоплаганини айтиб, енгиллик сўради.

Аслида эса бу ҳолга тушиб қолишига унинг ўзи сабабчи бўлди. Ҳисоб-китобни ўз вақтида қилиб борганида, бу савдо ортидан кўрган даромади ҳисобидан аста-секин қарзларини ҳам тўларди, рўзгорини ҳам тебатарди. У эса эгри йўлни танлади. Оқибатда ҳам бировларга етказган зарарни қоплади, ҳам суд ҳукми билан давлатга 13 миллион сўмдан зиёроқ жарима тўлайдиган бўлди. Энг ёмони, бу қилмиши ортидан эл ичда юзи шувут, боши ҳам бўлиб қолди. Ана шундан асрасин...

**Бахтиёр ШОДМОНОВ,**  
Наманган вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи



Бугунги кунда мамлакатимизда амалга ошириляётган қатор ўзгаришлар аввало тадбиркорлар учун қулай шароит яратишга рухсат берувчи тартиб ва тамойилларни соддалаштиришга қаратилган. Шу ўринда божхона қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик масаласига тўхталиб ўтсак.

## БОЖХОНА ҚОНУНЧИЛИГИ: МУАММО ВА ЕЧИМ

Амалдаги қонунчиликда божхона қонунчилигини бузганлик учун маъмурий ва жинойт жавобгарлик назарда тутилган бўлса, Жиноят кодексининг тўғрисидаги кодексда 30 га яқин божхона қонун ҳужжатлари талабини бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилган бўлса, Жиноят кодексининг иккита, яъни 182 ва 246-моддаларида тўғридан-тўғри божхонага оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган.

МЖТҚда назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин, биринчи гуруҳга диспозициясида тўғридан-тўғри муайян ҳаракатларни содир этганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган нормалар, иккинчи гуруҳга бошқа қонун ҳужжатлари белгиланган талабларни ёки тартибни бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилган нормалар қиради.

Иккинчи гуруҳга кирувчи нормалар диспозицияси бугунги кун талабидан келиб чиқиб қайта кўрилиши мақсадга мувофиқ. Зеро, жавобгарликка сабаб бўлувчи нормада тўғридан-тўғри тақиқланган ҳаракатларнинг кўрсатилмаслиги ҳуқуқни қўловчи орган ва ҳуқуқбузар ўртасида доимо баҳсга сабаб бўлади.

Амалдаги МЖТҚ ва Жиноят кодексида божхона қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликка тортишга асос бўладиган қўллаб нормаларнинг мавжудлиги экспорт-импорт операцияларини амалга оширувчи тадбиркорларнинг эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Айнан шу муносабат билан, 2020 йил 24 январь кун И Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга қилган мурожаатида тадбиркорлик соҳасида ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган айрим жиноятларни жиноят тоифасидан чиқариш сисёатини изчил давом эттириш лозимлиги, жумладан, сохта тадбиркорлик, рақобатчининг обрўсини тушириш каби қилмишлар учун жинойт жавобгарлик бекор қилиниши, божхона қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жиноятни биринчи марта содир этган, лекин тўловларни тўлаган шахсларни жинойт жавобгарликдан озод қилиш зарурлиги таъкидланди.

Шу муносабат билан, қуйидагиларни амалга ошириш орқали божхона қонунчилигини бузганлик учун МЖТҚ ва Жиноят кодекси нормаларини такомиллаштириш таклиф этилади:

– амалдаги МЖТҚ нормаларини ижтимоий ҳавфлилик нуқтан назаридан қайта кўриб чиқиш;

– ҳуқуқни қўллаш амалиёти материалларини чуқур ва танқидий таҳлил қилган ҳолда МЖТҚдан бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган, маънан эскирган ҳуқуқбузарликларни чиқариб ташлаш;

– МЖТҚ нормаларини танқидий кўриб чиқиш орқали улардаги турлича шарҳлашга имкон берадиган, бошқа қонун ҳужжатларига ҳавола қиладиган нормаларга аниқлик киритиш;

– Жиноят кодекси 182-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни биринчи марта содир этган шахс етказилган зарарни қоплаган тақдирда жавобгарликдан озод қилинишини назарда тутиш, ташки иктисодий фаолиятни амалга ошириш жараёнида 182-модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жиноятни биринчи марта содир этган шахс агар жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда ихтиёрий равишда божхона тўловларини, шу жумладан, божхона тўловлари ўз вақтида тўланмагани учун пеняни тўлиқ тўлаган, етказилган зарарни қоплаган ва товарларнинг божхона расмийлаштирувини амалга оширган бўлса жавобгарликдан озод қилиниши ҳақидаги норма билан тўлдирш.

Хулоса сифатида шунни айтиш жоизки, экспорт-импорт муносабатларида божхона энг муҳим бўғинлардан бири бўлиб, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликнинг мезонлари ва асосларини такомиллаштириш божхона субъектлари ҳуқуқ ва мажбуриятлари доирасининг аниқлаштирилишига, божхона жараёнларининг шаффофлашувига хизмат қилади.

**Қундуз РОЗИМОВА,**  
Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси

**Хитойлик олимлар ёмғир томчиларидан электр энергияси олишнинг янги усулини ишлаб чиқди. Маскур энергия билан 100 дона ёруғлик диодли лампочкани ёқиш мумкин экан.**



## Фаолият самарадорлиги

дан суд ва бошка органларнинг ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида ҳам анча ишлар қилинган. Йил давомида 1 трлн. 178 млрд. 100 млн. сўмлик ижро ҳужжатларининг ижроси таъминланган.

Алимент ундиришда ота-оналарни яраштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўтказилган учрашувлар натижасида 1439 та оила яраштирилди ва 793 нафар қарздор ишга жойлаштирилди.

Бундан ташқари, алиментни ўз вақтида тўлашдан бўйин товлаб келаётган 306 нафар қарздорнинг маъмурий, 85 на-

фарининг жиноий жавобгарлик масаласи ҳал қилинди.

Ўтган йили 578 нафар қарздорга нисбатан қидирув эълон қилинган ва улардан 369 нафари топилган.

### Қидирувдаги қарздорларнинг 369 нафари топилган.

Вилоят бўйича жами 2230 та ҳуқуқбузарлик аниқланган. Улардан 1820 таси электр энергияси, 379 таси табиий газ ва 31 таси сув тармоғига ноқонуний улашиш билан боғлиқ.

Улар юзасидан 15 та жиноят иши кўзга тилинган.

Энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш натижасида таъминотчи корхоналарга 2 млрд. 608 млн. сўм моддий зарар етказилган. Бюро органлари томонидан унинг 1 млрд. 894 млн. сўми ундирилишига эришилган.

Бюро органларига қилинган ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолдирилмайди. Ўтган йилда 14408 та мурожаат кўриб чиқилиб, ҳал этилди. 5794 кишининг бузилган ҳуқуқи тикланиши баробарида, суд ҳужжатлари асосида

5 млрд. 400 млн. сўмдан зиёд маблағ ҳам ундириб берилди.

Хусусан, «Гулчехра-Анд» хусусий корхонаси раҳбари Ф.Қурбоновнинг суднинг қарори асосида Андижон шаҳар ҳокимлигидан товон пули ундиришда ёрдам бериш ҳақидаги мурожаати ўрганиб чиқилиб, қарздордан 2019 йил 7 ноябрда 96 млн. сўм ундириб берилди.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

**Абдулатиб САЛИЕВ,**  
МИБ Андижон вилояти бошқармаси бошлиғи

**МИБ Андижон вилояти** бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари кўрсатилган коммунал хизматлар учун 2019 йилда 1 трлн. 349 млрд. 319 млн. сўм миқдорида маблағ ундирди.

Бюро органлари томони-

Мамлакатимизда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## Истеъмолчиларга енгилликлар

Тўлиқ муқобил энергияга ўтган уйларнинг эгаларига солиқ имтиёзлари берилаётти. Бу Солиқ кодексига назарда тутилган. Тармоқдан тўлиқ узиб қўйилган тураржойлар қайта тикланадиган энергия манбалари ўрнатилган ойдан эътиборан 3 йил муддатга ер солиғидан озод қилинади.

Қамбағал оилаларнинг энергия ресурсларидан қарзини тўлашга саховатпеша ҳомийлар ёрдам кўрсатмоқда. Фарғона шаҳрининг «Ўзбекистон» МФЙда яшовчи А.Охунжоновна электр энергияси учун тўловлардан қарздорлиги аниқланди. Рўзгордан орттиришга қийналаётган оила қарзининг 1 млн. сўми ҳомийлик асосида тўлаб берилди. Бу каби хайрли ишлар давом эттирилмоқда.

Истеъмолчиларга яна бир енгиллик – ноқонуний фойдаланилган энергия ресурсларининг ҳақини ўттиз кун ичида тўлаганда улар жавобгарликка тортилмаслиги белгиланган. Энергия

ресурсларидан оқилона фойдаланиш тартиб-қоидалари оммавий ахборот воситаларида ҳар куни эслатиб ўтилаётган ҳамда уларни талон-торож қилганлар жавобгарликка тортилаётгани таъкидланаётган бўлса-да, ҳамон тармоқларга яширинча ёки ўзбошимчалик билан улашиш ҳолатлари аниқланмоқда. Хусусан, Фарғона шаҳрининг Сайилгоҳ кўчасида жойлашган «Тоғмаҳал» МЧЖга қарашли нонвойхонада ҳеч қандай ҳужжатларсиз битта тандирда газ ҳисоблагичсиз фойдаланиб келинган. Оқибатда давлатга 22 млн. 947 минг сўм зарар етказилган. Терговга қадар текшириш давомида МЧЖ иш юритувчиси айбиги иқдор бўлиб, етказилган зарарни 30 кунлик муддат тугамастан тўлиқ қоплагани инобатга олиниб, унга нисбатан жиноят иши кўзга тилинмади.

**Отабек САЛМАНОВ,**  
МИБ Қўқон шаҳар бўлими бошлиғи

## Оилалар бут бўлди

Мамлакатимизда оилавий ажримларнинг олдини олиш бўйича давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Оиладаги нотинчликдан фақат эр-хотин азият чекмайди. У фарзандларнинг камолотига ҳам таъсир қилади.

Айни вақтда Мажбурий ижро бюросининг Сурхондарё вилояти ва унинг ҳудудий бўлимларида алимент ундириш билан боғлиқ 17350 дан ортиқ ижро ҳужжати мавжуд. Бюро ходимлари нафақат алиментни ундириш, шунингдек, ажрашган оилаларни яраштиришга ҳам кўмаклашмоқда. Масалан, Термиз шаҳридаги «Оила» илмий амалий тадқиқот марказида вилоят прокуратураси ва бюронинг вилоят бошқармаси ташаббуси билан бўлиб ўтган тадбирда бешта оилани яраштиришга эришилди.

Тадбир давомида фарзандларининг тақдирига бефарқ бўлмаган, оила муқаддаслигини тушуниб ярашган оилаларга совғалар топширилди.

Тадбир давомида бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам ўтказилди. Унда асосий эътибор алиментдан қарзи бор, аммо доимий ишга эга бўлмаган фуқаролар ҳамда ички ишлар бошқармаси пробацция бўлими Термиз шаҳар гуруҳида назоратда турган шахсларни ишга жойлаштиришга қаратилди. Ярмаркада шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази, ташкилот ва корхоналар 327 та бўш иш ўрни билан қатнашиб, 13 кишининг ишга жойлаштиришга ёрдамлашишди.

**Ҳамид ТОҒАЕВ,**  
МИБ Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари



Бюронинг Косонсой тумани бўлими ходимлари томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинмоқда.

Масалан, бўлим иш юритувидаги фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро суднинг қарорига асосан И.Раҳмонбердиевдан З.Турсуновага икки фарзандининг моддий таъминоти учун ҳар ойда топган даромадининг 1/3 қисми миқдорида алимент ундириш белгиланган. Мазкур ҳужжат бўйича И.Раҳмонбердиевнинг алиментдан қарзи 10 млн. сўм бўлиб, 2020 йилнинг 6 февраль куни 8 млн. сўм ундириб берилиши таъминланди.

Шунингдек, алимент ундириш билан боғлиқ ижро ҳужжатлари бўйича оилаларни яраштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб борилган тадбирлар самара бериб, январь ойи давомида 32 та оила яраштирилди.

Хусусан, бўлим иш юритувидаги фуқаролик ишлари бўйича Янгитўғрон туманлараро суднинг қарорига асосан И.Меҳмоновдан К.Эшондаасвага бир нафар фарзандининг моддий таъминоти учун ҳар ойда топган даромадининг ¼ қисми миқдорида алимент ундириш белгиланган. Ижро ҳужжати бўйича олиб борилган тушунтиришлар натижасида оила ярашди.

Бундай хайрли ишлар давом эттирилмоқда.

**Азимжон БОЙДАДАЕВ,**  
МИБ Косонсой тумани бўлими бошлиғининг ўринбосари

## Оларда кирар, берарда чиқар жони

МИБ Яқкабоғ тумани бўлимига келиб тушган ижро ҳужжатлари бўйича бир кунда ижро иши кўзга тилиб, уларни ҳал қилиш чоралари кўрилмоқда.

Суднинг ижро варақасига асосан фуқаро Р.С.дан А.Б.га 20 млн. 351 минг 900 сўм қарзини ундириш белгиланган. Қарздор бир неча йилдан буён ушбу қарзни қайтармагани сабабли А.Б. судга мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Бюронинг Яқкабоғ тумани бўлими давлат ижрочиларининг сазой-ҳаракатлари билан бу пул ундирувчига тўлиқ олиб берилди ва ижро иши тамомланди.

**Ақбар РАДЖАПОВ,**  
МИБ Яқкабоғ тумани бўлими бошлиғи

## Ўзбошимчалик фақат зарар келтиради

МИБ Фарғона тумани бўлими ходимлари томонидан 2019 йил 13 декабрда Фарғона шаҳар «Оқариқобод» МФЙ ҳудудидagi Фарғона вилояти насос станция энергетика бошқармаси Фарғона тумани бўлимига қарашли 198-тик қудуқда электр энергиясидан фойдаланишининг қонунийлиги ҳамда тўлов интизомига риоя этилиши юзасидан мониторинг ўтказилган.

Аниқланишича, Фарғона вилояти насос станция энергетика бошқармаси Фарғона тумани бўлими бошлиғи М.М.

ўзига бириктирилган қудуқда ўрнатилган электр ҳисоблагичнинг А, В, С фазаларини узиб қўйиб, умумий фойдаланишдаги электр тармоғига ўзбошимчалик билан уланган ҳолда электр таъминоти корхонасига 41 млн. 500 минг сўм зарар етказган.

Яна бир ҳолатда фуқаро Б.Х.нинг Данғара туманидаги Овул қишлоғида жойлашган ҳовлисида электр энергиясидан фойдаланишининг қонунийлиги ҳамда тўлов интизомига риоя этилиши текширилган. Маълум бўлишича, фуқаро

А.С. акаси Б.Х.га тегишли ҳовлида 2017 йил 1 сентябрдан 2019 йил 5 декабрга қадар электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиб келган. Оқибатда туман электр таъминоти корхонасига 23 млн. 927 минг сўм зарар етказган.

Суриштирув давомида давлатга етказилган зарарни ихтиёрий равишда тўлиқ қоплагани сабабли жиноят иши кўзга тилиш рад қилинди.

**Аброр ЙЎЛДАШЕВ,**  
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бўлим бош инспектори

# ОЙНИ БЕНАРВОН УРГАНЛАР

Жинойят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судида саккиз нафар айбланувчининг иши кўрилди.



## ЎЗБЕКИСТОН — ИСТЕЪДОДЛАР ЮРТИ

Фаллаорол тумани прокуратураси ташаббуси билан тумандаги мактабларнинг ўрта ва юқори синф ўқувчилари ўртасида футбол, баскетбол, гандбол, волейбол бўйича чемпионат ташкил этилди.

Чемпионат доирасида мактабларда ҳафтада бир марта ўйин ўтказилади. Гуруҳ ғолиблари финал босқичида қатнашиш учун 25 майда ўтказиладиган катта тадбирда майдонга чиқади.

Мазкур тадбирлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг илгари сурган бешта ташаббус бўйича ҳам «Истеъодлар юрти — Ўзбекистон» шиори остида мусобақалар уюштирилади. Ушбу йўналишлар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, туман босқичи ўтказилиши режалаштирилган.

Ғолиблар хомийлар томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Тадбирлардан қўзланган асосий мақсад жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштиришга доир қонунчилик ижросини таъминлаш, ёшлар иқтидорини намоён эта олишлари учун имконият яратиш ва улар ўртасида жинойatchиликнинг олдини олишдан иборат.

**Сухроб АБДУАЛИМОВ,**  
Фаллаорол тумани прокурори ёрдамчиси



## МИЛЛИАРДДАН ОШИҚ ҚАРЗ

2020 йил 8 январь кунини Мажбурий ижро бюросининг Мирзо Улуғбек тумани бўлими иш юритувига «Art dealer» маъсулияти чекланган жамиятидан «Капитал банк»ка 1 млрд. 41 млн. сўм кредит қарзини ундириш тўғрисидаги ижро иши келиб тушган ва шу кунини «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 23- ва 86-моддаларига асосан ижро ҳужжатини қўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, тарафларга юборилган.

Шунингдек, давлат ижрочи-

си томонидан ижро ҳужжатида кўрсатилган гаровдаги мулклар хатланиб, банд солинган ҳамда «Art dealer» МЧЖ қарзини 10 кун ичида тўламаса хатланган мулклар аукцион савдосига чиқарилиши тўғрисида огоҳлантирилган.

Ижро ҳаракатлари натижасида 2020 йил 15 январь кунини «Капитал банк»ка қарзи тўлиқ ундирилиб, ижро ҳужжати тасмолланган.

**Баҳоидир АЛИМОВ,**  
МИБ Мирзо Улуғбек тумани бўлими давлат ижрочиси



Гидрометеорология марказининг хабарига қўра, ҳафта сўнггида Ўзбекистонда ҳаво ҳарорати пасайиб, вақти-вақти билан ёмғир, қор ёғади.

Аксар ҳолларда билиб-билмай жинойят содир этган, чинакам афсус-наҳомат чеккан кимсага озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланаяпти. Тузалиш йўлига ўтиш имкони берилмоқда. Судланувчилар эса ушбу имкониятдан фойдаланмасдан тақдоран жинойят содир этишган. Уларнинг бари эсли-хушли, оқ-қорани таниган, кичикроғи ўттиз бир, каттароғи қирқ бир ёшда. Илгари турли жинойятларга қўл ургани учун судланган, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаган (фақат бир нафари судланмаган).

«Кўр кўрни қоронғуда топибди» деганларидай, фибригарлик қилиб судланган Ойхонга (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўттиз етти яшар «иш боши», муқаддам ўн икки марта судланган, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликдан маҳрум этиш жазоларини ўтаган хавфли рецидивист Абдувоситнинг таклифи мойдай ёқиб тушди. Қалбаки муҳр ва штамп ясаптириб олган Абдувосит ўзи ва аёл Қўқон шаҳар тиббиёт бирлашмасида ишлаётгани ҳақида сохта маълумотнома тайёрлади. Ойини бенарвон урмоқчи бўлган учарлар Ойхоннинг иш ҳақи хусусидаги сохта маълумотномани 2018 йилнинг 6 сентябрь кунини «Фаровон юксалиш» дўконига тақдим этиб, кредит ҳамда кафилилик шартномаларини имзолашди. Олдиндан 624 минг сўм тўлаб битта LG русумли кир ювиш машинаси, битта «Samsung» чангюкчи ва битта дазмоллаш столини харид қилишди. Орадан икки кун ўтиб, тагин ўша сохта иш ҳақи маълумотларини тақдим этиб, Абдувосит кафилигида Ойхон номига кредит шартномасини туздирди. Олдиндан 557 минг сўм тўлаб «Led tv art» русумли телевизорни сотиб олишди. Қалбаки ҳужжатлар билан қўлга киритилган буюмларни бозорда нақд пулга сотиб юборишди.

Абдувосит сентябрь ойи ўрталарида Адҳам деган ҳамтовоғи билан тил топишди. Қўқон шаҳар тиббиёт бирлашмасининг сохта муҳридан фойдаланиб Адҳамнинг иш ҳақи ҳақидаги маълумотномани шаҳардаги «Атгажирул Марзук» МЧЖнинг дўконига тақдим этишди. Абдувоситнинг кафилигида Адҳамнинг номига бир йиллик кредит шартномасини туздирди. Аввалдан 2 млн. 282 минг сўм тўлаб, битта LG, битта «Beston» русумли телевизор ва музлаткични қўлга киритишди.

Абдувосит сентябрь ойи охирида қалбаки ҳужжатлар билан ушбу дўкондан муқаддам судланган таниши Абдуносир номига кредит, ўзининг номига кафилилик шартномаси туздириб, 8 млн. 258 минг сўмлик битта «Samsung» кир ювиш машинаси, битта «Chigo 35» русумли кондиционер харид қилди ва пуллаб юборди.



Бундай «операция» яна бир неча марта такрорланди.

Судда фибригарларнинг айби иқроғлиги ва ҳужжатли далиллар билан тасдиғини топди. Хавфли рецидивист Абдувосит Ўроков 8 йилу 1 ой, Ойхон Турғунова 5 йилу 4 ой озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинди. Қопланмаган зарарни ундириш баробарида судланувчиларнинг олти нафарига ахлоқ тузатиш ишлари ва озодликни чеклаш жазолари тайинланди.

**Нурмамат СУЛАЙМАНОВ,**  
Қўқон шаҳар прокурорининг ўринбосари

### Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Бош прокуратура бошқарма бошлиғининг ўринбосари Илхомжон Хусановга турмуш ўртоғи

**Зиёдаҳон МАМАРАХИМОВА**нинг вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бош прокуратура хузуридаги Мажбурий ижро бюроси жамоаси бюронинг бўлим бош инспектори Миродил Мирзабоевга падари бузрукворини **Минавар МИРЗАБОВЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик ихсоз этади.

КЕЛГУСИ  
СОҢДА

КОПТОК ТЕПИШ  
УЧУН ЙИҒИЛГАН  
ШОВВОЗЛАРНИНГ  
ТУНГИ САЁҲАТИ  
БОСҚИЧЧИЛИККА  
УЛАНИБ КЕТДИ.

**HUQUQ**

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

O'zbekiston  
Respublikasi  
Bosh  
prokuraturasi

BOSH MUHARRIR:

**Jahongir MAKUMOV**

TAHRIIR HAY'ATI:

**Erkin YULDASHEV**  
**Halim BOLTAYEV**  
**Sodiqjon NAZAROV**  
**Hayot SHAMSUTDINOV**  
**Utkirjon DEXKANOV**  
**Maqsudali QAMBAROV**

TAHRIIRIYAT  
MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo  
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,  
Faks: 233-10-53,  
233-64-85

[www.huquq.uz](http://www.huquq.uz)

[info@huquq.uz](mailto:info@huquq.uz)

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egaloriga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. [E] — tijorat material.

Buyurtma v-4086  
22 251 nusxada bosildi.  
Ong'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma tobeq.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: G'ALIMOV  
Sahifalovchi: S.BOBOLJANOV

Gazeta haftanang payshanba kuni chiqadi.  
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.  
Korxonangiz: Toshkent shahar,  
Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004

# ЛОҚАЙДЛИК

## БИР ЧОРРАҲАГА СВЕТОФОР ҚЎЙИШГА ЯРИМ ЙИЛ КАМЛИК ҚИЛАДИМИ?

Бу рақамга эътибор беринг! Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасининг хабарига кўра, мамлакатда 2020 йилнинг 18 февраль кунига қадар содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида 147 киши ҳалок бўлган.

Дарҳақиқат, кунда бўлмаса ҳам куно-дра йўлдаги ҳалокатларга кўзимиз тушади ёки оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда шу ҳақида хабар берилди. Булар халқ тилида авария, газета тили билан айтганда автоҳалокат, расмий тилда эса йўл-транспорт ҳодисаси деб аталишидан ҳаммамиз хабардоримиз. Уларнинг ортида укубату йўқотишлар, асаббузарликлар, калби ўртаб юборадиган пушаймонлар борлигини ҳам тасаввур этиш қийин эмас. Лекин танаси бошқа дард билмас, уйи бошқа ҳам билмас деганларидек фожиали автоҳалокатларга гувоҳ бўлсак, фалокат-да деб кўямиз. Аслида энг ёмони шу. Бу эътиборсизликнинг бир кўриниши, лоқайдликнинг дебocasидир. Чунки бу каби ҳалокатларнинг сабаби аниқланиб ечим топилмас экан, ўзимиз ҳам келажакда ўша жабранувчилар каторида бўлиб қолишимиз мумкин.

Инсон ҳаёти билан боғлиқ масалага бундай юзаки қараб бўлмайди. Энг ачинарлиси бу каби лоқайдлик нафақат одамларимиз, балки давлат идораларида хизмат қилаётган баъзи масъул шахсларнинг ҳам онгига сингиб бораётгани. Албатта бу оғир айблов, лекин гапимизга асос бор.

Газетамизнинг 2019 йил 25 июлдаги сониде «Пиёда – умри бўлсин зиёда!» сарлавхали мақола chop этилган эди. Унда Тошкент вилояти Қибрай тумани Чимкент йўли кўчасининг Гулистон маҳалласидаги пиёдалар ўтиш йўлакчасига светофор қўйиш муаммоси кўтарилганди. Мақола чиққач, унга Тошкент вилояти прокуратураси эътибор қаратди. Прокуратура ходимлари муаммони мутахассисларни жалб этган ҳолда кўриб чиқди. Қувонарлиси, маҳалла аҳолиси эътирозига сабаб бўлаётган муаммога ечим топиладиган бўлди. Бундай дейишимизнинг боиси шуки, Тошкент вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бошқармаси вилоят прокуратурасига берган маълумотномада ушбу йўлга хизмат кўрсатувчи «Тошкент халқа автомобиль йўлидан фойдаланиш участкаси» УК томонидан 2019 йилнинг 30 августига қадар М-39 автомобиль йўлининг 814-километрида, яъни мақолада келтирилган чорраҳада светофор ўрнатилгани маълум қилинган эди. Аммо ваъда бажарилмади. Орадан ўтган қарийб ярим йил вақт ваъдани бажаришга камлик қилдимикин?.. Ё ҳануз бу муаммо баргараф этилмаганидан прокуратурага ваъдани қуюқ қилган Тошкент вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бошқармаси мутасаддиларининг хабари йўқмикан?.. Ёки бошқарманинг кўрсатмасини «Тошкент халқа автомобиль йўлидан фойдаланиш участкаси» УК мутасаддилари сарик қақага ҳам олмасмикан?.. Саволлар кўп, жавоб йўқ.

«Гулистон» МФЙ раиси Рихсвий Собировнинг таъкидлашича, аслида бу жойда 12 йил ав-

вал светофор бўлган. 2008 йилда йўл кенгайтирилётган вақтда светофор ечиб олинган ва иш биттач жойига қўйилмаган.

Шунингдек, маълумотларга кўра, сўнгги беш йилда айнан мазкур чорраҳада 26 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган. Уларда саккиз киши вафот этган, 21 нафар фуқаро эса турли даражада жароҳатланган. Шу қунларда кўчанинг ушбу кесинмасидан бир соатда ўртача 4035 та автомашина қарама-қарши томонларга ўтиши аниқланган. Ҳозир маҳаллада 4132 киши яшайди. Уларнинг 29 фоизи светофор билан тартибга солилмаган шу кўчани кесиб ўтиб, мактабга, масжидга катнайди. 65 фоиз аҳоли ҳам кўчани кесиб ўтади ва Тошкент шаҳрига ишга, ўқишга, боғчага кетади.



– Бу муаммодан йўл ҳаракати хавфсизлиги идораларининг ҳам хабари бор, – дейди «Гулистон» МФЙ раиси Р.Собиров. – 2016 йилнинг 16 декабрь куни Ички ишлар вазири ўринбосари Тошкент вилоятининг Юқоричирчик туманида сайёр қабул ўтказганида унинг қабулида бўлиб, айнан шу масалага ечим топишда ёрдам сўраганман. Вазир ўринбосари ўша вақтда Тошкент вилояти йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси мутасаддиларига бу муаммони ҳал этиш бўйича кўрсатма берди. Шундан сўнг идора вакиллари 13 кун мобайнида бу жойга светофор қўйиш мақсада мувофиқки ёки йўқлигини ўрганиб, қўйиш керак деган фикрга келишди. Бироқ светофор қўйилмади.

Бу жойда пиёдалар ўтиш йўлакчаси борлигини билдириб турувчи белги мавжудлигига гувоҳ бўлдик. Лекин ҳамма ҳайдовчилар ҳам қондага амал қилавермайди-да. Ёки айрим ўқувчилар борки, йўлни кесиб ўтиш қондаларига риоя қилмай, кўчани югуриб кесиб ўтишга ҳаракат қилади. Оқибатда ҳайдовчи ёки пиёданнинг айби билан ҳалокат юз беради. Айбсизлар айбдор бўлади. Энг афсусланарлиси, кимдир ҳаёт билан видолашади, биров умрбод тўшакка миҳланади, яна кимдир умрининг бир қисмини симтўрлар ортида ўтказишга мажбур бўлади. Юқориде келтирилган рақамлар эса аини шундай эътиборсизликларнинг аччиқ мевасидир.

Камолитдин АСҚАРОВ,  
«Huquq»



## «МАНАВИНИ ОЛИНГ-ДА, ИШИМНИ ТЕЗРОҚ ҲАЛ ҚИЛИБ БЕРИНГ»

Кейинги пайтларда фуқаролар билан мурося қилиб ишлаш қийинлашиб кетмоқда. Муаммосини бартараф этишга қанчалик ҳаракат қилмайлик, мурожаатлари қонун доирасида кўриб чиқилишини тушунирмайлик, буни тушунишни исташмаяпти. Ёки тушуниб туриб, бекорчиликдан давлат идораларига келишга одатланиб қолишган.

Яқинда давлат ташкилотларидан бирига ишга кирдим. Янги жамоа олдиде уялиб қолмаслик учун астойдил ишлаяман. Фақат айрим фуқароларнинг мурожаати мени ўйлантирмоқда.

Тўғриси айтсам, ишга жуда эрта келишга одатланганман. Соат эрталабки 7:50. Эшик қоқиб келган инсоннинг ушбу сўзлари хайратимни оширди:

– Синглим, шу десангиз, ёшликда ўқиб ўрганишга кунт қилмасдан, пул топишга ҳаракат қилдик. Раҳматли отам икки марта институтга киргизиб қўйганда ҳам хою хаваста берилиб, ўқимадим. Мана энди қўлимда бир энлик диплом йўқлигидан афсусланаёяман. Беш йилдан буюн четда ишлаб келиш жонимга теғди. Уйимизнинг ёнидаги мактабга ишга киришимга ёрдам берсангиз. Уч фарзандим бор, турмуш ўртоғим шу мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди. Кўриб турибсиз, нарх-наво жуда қиммат. Ойла боқиб осон бўлмаяпти. Биргина аёлимнинг олаётган маоши етмаяпти. Ишимни ҳал қилиб берсангиз рози қиламан. Ҳозирдан бирор хизмат бўлса бемалол айтaverинг. Олди-бердисиз ҳеч бир юмуш битмаслигини жуда яхши биламан. Сизнинг ҳам ўзингизга яраша ташвишингиз, харажатингиз бор.

...Энди бир ўйлаб кўринг. Ҳеч қандай дипломи йўқ кишини қарерга ҳам ишга оларди?! Ақанинг бу сўзлари, бундай қараш кишини ўйлантирмай қолмайди. Юртимизда бир кун ҳам ишламаган, фақатгина чет элда ишлаб юрган кишининг бундай фикрлашига сабаб нима? Бундай фикрга қачон келган? Институтни битирганимга роппа-роса ўн йил бўлди. Аммо шу пайтгача ҳеч бир ишимни таниш-билиш ёки олди-берди билан битирганим йўқ. Доимо билимим ва ҳаракатим билан муаммоларимни ҳал қилганман.

Одамлар нега бунчалик тор фикрлайдиган бўлиб қолди? Мулоҳаза қилгиси келмайди. Ҳадеганда иши битвермасе «Манавини олиб қўйинг-да, ишимни тезлаштириб беринг» дейдиганлар кўпайиб қолди. Ўртада эса андиша, меҳр-оқибат сарсон. Шу ўйда ўтирган бир пайтмда ташкилотимизнинг раҳбари хонага асабийлашиб кириб келди.

– Шу одамларга тушунмайман-да. Мурожаатига жавоб берсангиз ҳам қайта-қайта келаверади. Қиладиган бошқа иши йўқми буларнинг? Бир ҳафтада саккиз марта келади ўзим. Қўлида бир дипломи йўқ, давлат идорасига ишга киришимга ёрдам беринг дегани деган. Ўрта маълумотга эга бўлганларга ҳам иш йўқ, олий маълумотли кадрлар керак деб оғзаки, ёзма жавоб бердим. Аммо... Тунов кун би фуқаро иш сўраб келди. Айтишича, у ишга кирмоқчи бўлган жойда ишлаётган одам вазифасига масъулиятсизлик билан ёндашаётган эмиш. Бордим, ўргандим. Ҳаммаси жойида. Энди уни ишдан бўшатинг-да, мени олинг деб келибди. Одамларни тушуниб бўлмай қолди.

Бу кетипда ёшларга қандай намуна бўламиз? Ўзимиз ибратга муҳтож бўлиб турган бўлсак, келажак авлоддан нима умид қиламиз? Луғатимиздаги коррупция хили келадиган «Хизмат бўлса, бемалол», «Сиздан угина, биздан бугина», «Ҳамир учидан па-тир», «Муомаласини қилиш керак» деган гапларни унутганинг вақти келди. Давлат ва жамият ривожига, халқнинг адолатга бўлган ишончига жиддий путур етказадиган хавфлардан бири коррупциядир. Ушбу иллатни таг-томири билан кўпориб ташлашга бутундан киришайлик.

Нигина ШОЕВА,  
журналист